СОВЕТ МАҲСУЛОТИ АЪЛО СИФАТЛИ БЎЛСИН!

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 4 (2977). | Жума, 8 январь 1965 йил. | БАҲОСИ 2 ТИЙИН.

ФАБРИКА ҚИЗИ

Қунт ва меҳнат қилсанг бас, қийинчиликлар чекинаверар экан. Мунирага ҳам дастлаб анча қийин бўлди. Мактаб партасидан тўғри ишлаб чиқаришга келиб, қисқа вақт ичида ном чиқариш ўнгай дейсизми. Қанча ғайрат қилди у, техника сирларини ўрганишдан зерикмади.

Мунира дастлаб шогирд тушди. Мастерлардан, цехнинг илғор ишчиларидан билмаганларини сўраб ўрганди. Соҳ билан бирга ишнинг сифатли бўлишига алоҳида эътибор берди. Мана, бугун унинг қўлидан чиқаётган буюмлар ўзининг кўркамлилиги ва сифатлилиги билан ҳаммани қойил қолдиряпти. Еш ишчи москвалик ва ленинградлик ўз ҳамкасблари ташаббусига қўшилиб, яна ҳам ғайрат билан меҳнат қиляпти. Ўз фабрикаси маркасини шарафлашга бошқаларни ҳам чорламоқда. Мунира Каримова ишлаётган Тошкент пайпоқ-трикотаж фабрикаси тўқув цехи янги йилнинг дастлабки кунлариданоқ бир меёрда ҳаракат қиляпти. Суратда: фабрика қизи, илғор ишчи ўртоқ М. Каримова.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.

БИРИНЧИ МИЛЛИАРД

Тошкент ГЭРСининг коллективи янги йилнинг бошидан бери пландан ташқари дастлабки тўрт миллион киловатт-соат электроэнергия ишлаб чиқарди. Етти йилликнинг охирги йилида Урта Осиё энергетикасининг илғор корхонасида дастлабки кунлардаёқ яна бир шонли воқеа юз берди — станция ишга туширилган кундан бошлаб ҳозиргача дастлабки миллиард киловатт-соат электроэнергияни берди.

1965 йилда ГРЭСда иккита энергоблок фойдаланишга топширилади. Станцияниг қуввати икки баравар ошади ва олти юз минг киловаттга етади. (ЎзТАГ).

„ЛЕНИНИЗМ" КОЛХОЗИ ЧОРВАДОРЛАРИНИНГ ҒАЛАБАСИ

Янги йилимиз бошланганига энди бир ҳафта бўлди. Шундай бўлсаям, Янгийўлдаги «Ленинизм» колхозининг азамат чорвадорлари дастлабки ғалабани қўлга киритишга муваффақ бўлдилар. Колхоз давлатга гўшт сотиш йиллик планини ортиғи билан бажарди! Тошкент гўшт комбинатига колхоз фермасидан пландаги 400 центнер ўрнига 425 центнер семиз гўшт етказиб берилди.

— Биз ҳар йили ҳам гўшт сотиш планини январь ойининг бошларидаёқ бажариб қўямиз, — дейди колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдулла Ортиқов, — бунинг сири шундаки, хўжалигимизда қорамоллар ҳар йили ноябрь ойининг бошида бўрдоқига қўйилади. Ўтган йилнинг ноябрь ойи бошланганида ҳам шундай қилдик. 212 бош қорамол бўрдоқига қўйилди. Бўрдоқичилик пунктимизда ишнинг кўзини билган кишилар ишлашади. Улар молни қандай қилиб семиртиришни яхши билишади. Бунинг устига колхоз правлениеси бўрдоқичиларга ҳамма зарур шарт-шароитларни яратиб беради. Ем-хашак мўл-кўл жамғарилади. Қишловга пухта ҳозирлик кўрилган бўлади. Шунинг учун ҳам ҳар бир бош қорамол бир кеча-кундузда 800—900 граммдан семиради. Бу йил 212 бош қорамолимизнинг ҳаммаси ўртача 300 килограмм вазн билан гўштга топширилди.

Колхоз чорвадорларининг бу дастлабки катта ғалабасида сергайрат, ишбилармон бўрдоқичилардан С. Иноғомов, Ю. Холиев, А. Холдоров, Д. Темирқулов ва С. Бекназаров ўртоқларнинг ҳиссаси катта. Улар фидо корона меҳнат қилганликлари учун ҳам шаҳар меҳнаткашлари дастурхонига мўл-кўл семиз гўшт етказиб берилди.

Шундай қилиб, машъал «Ленинизм» колхозида янги йил янги ғалаба билан бошланди.

МИЛЛИОНЛАР МУСОБАҚАСИ

Совет халқи кишиликнинг орзу-умиди — коммунистин жамиятнинг нурли чўққилари томон қомил ишонч билан дадил бораяпти. Ана шу олижаноб мақсад ва буюк истак йўлида халқимиз мислсиз қаҳрамонликлар кўрсатмоқда, зафар кетидан зафар қучмоқда. Завод ва фабрикаларда, колхоз ва совхоз далаларида ижодий ва яратувчилик ишлари мавж уриб, етти йиллигимизнинг сўнгги марраларини ҳам тезроқ эгаллаш учун миллионларнинг умумхалқ ҳаракати қудратли тус олмоқда. Мамлакатимизнинг барча меҳнаткашлари сингари областимиз ишчилари ва бинокорлари, транспортчилари ва деҳқонлари ҳам бу умумхалқ нурашига актив қўшилдилар. Улар бу йил областимиз олдида катта вазифалар турганини яхши биладилар. Саноатчиларимиз бу йил маҳсулот ишлаб чиқаришни ўтган йилдагига қараганда анча кўпайтиришлари, сифат кўрсаткичларини тубдан яхшилашлари керак. Қўли гул қурувчиларимиз жуда катта ҳажмда қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишлари лозим. Транспортчилар, алоқачилар зиммасидаги вазифалар ҳам ўз кўлами жиҳатидан ҳар қачонгидан каттадир.

Ана шундай масъулиятли, айни вақтда шарафли вазифаларнинг тўла уддасидан чиқиш, етти йиллиннинг кенжа йилини юксак кўрсаткичлар билан якунланиши учун, аввало, барча касбдаги кишилар ўртасида социалистин мусобақани, айниқса унинг олий формаси бўлган коммунистин меҳнат тантанаси учун нурашни кенг авж олдириш зарур. Социалистин мусобақа ишчилар, деҳқонлар, ҳар бир совет кишисининг куч-ғайрати, ташаббуси ва ижодий фикрини давлат планларининг муваффақиятли бажарилишига сафарбар этувчи қудратли восита ҳисобланади. Шунинг учун ҳам доҳи Владимир Ильич Ленин Улуғ Октябрь социалистин революциясидан кейинги дастлабки йиллардаёқ бундай мусобақанинг моҳиятини кўрсатиб, уни коммунистин қурилишнинг таъсирчан методидир деб баҳолаган эди.

Ҳақиқатан ҳам социалистин мусобақанинг аҳамияти беқиёсдир. Халқ хўжалигини юксалтиришда қўлга киритаётган ютуқларимиз асосан ана шу мусобақа натижаларидир. Шунинг учун ҳар бир саноат корхонаси, қурилиш, транспорт ташкилоти ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари ўртасида ўзаро мусобақани йўлга қўйиш, бу ватанпарварлик ҳаракатида барчанинг антив иштирок этишини таъминлаб, унинг оммавийлигига эришиш лозим. Кўпчилик корхоналарда шундай қилинаяпти ҳам. Шу туфайли улар янги йилнинг дастлабки кунлариданоқ белгиланган топшириқни зиёдаси билан адо этишяпти. Узбекистон металлургия заводи коллективи, Чирчиқ машинасозлари, Тошкент кабелчилари, Тошкент темир йўл бўлинмасининг транспортчилари, «Узбексельмаш» заводи, Оҳангарон шахтёрлари ва бошқа қатор корхоналар коллективлари социалистин мусобақа байроғини баланд кўтарган ҳолда меҳнат қилиб, ҳар куни пландагига қўшимча маҳсулот бермоқдалар.

Ўтган хўжалик йилини муваффақиятли якунлаган Оҳангарондаги кўмир разрези, 9-шахта ва Бенобод металлургия заводи коллективлари янги йилнинг дастлабки кунларида ҳам зўр уюшқоқлик билан социалистин мусобақани бошлаб юбордилар. Бу корхоналар маъмурияти, партия, касаба союз ташкилотлари мусобақанинг ҳар бир иштирокчиси тўла ижодий активлик кўрсатиб ишлаш, ижодий изланиш билан шуғулланиши, унумли ва сифатли меҳнат қилиши учун барча шароитларни яратиб берганлар. Мусобақа жараёнида тутилган ҳар бир янгилик ва ташаббусни ҳар доим қўллаб-қувватламоқдалар. Бу эса ажойиб натижалар бераяпти. Оҳангарон шахтёрлари янги йилнинг биринчи бешкунлигида халқ хўжалиги эҳтиёжлари учун пландагига қўшимча 100 вагонга яқин «қора олтин» жўнатдилар. Металлургларга қўшимча тайёрланган пўлат ва прокат ўнларча минг сўмлинни ташкил этади.

Лекин социалистин мусобақани ташкил этиш ва унга раҳбарлик қилишда қатор камчиликлар ҳам борки, бундан кўз юмиб бўлмайди. Айрим саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотларида мусобақа номигагина ташкил этилади. Коммунистин меҳнат учун кураш деярли олиб борилмайди. Социалистин мусобақа натижалари кўпинча ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг миқдорига қараб якунланади. Шунинг учун ҳам корхоналарда миқдор нетидан қувиб, ишлаб чиқаришнинг бошқа иқтисодий кўрсатгичлари, жумладан маҳсулот сифатига, чидамлилигига, истеъмолчиларга маъқул ёки номаъқул бўлиш-бўлмаслигига эътибор берилмасди. Бу катта камчилик эди. Эндиликда бунга хотима бериш керак. Корхоналар ва хўжалик органларининг фаолиятига улар тайёрлаётган маҳсулотнинг истеъмолчилар талабига қандай жавоб бераётганлигига, сифатига қараб баҳо берилади.

Шу нуқтан назардан Москва ва Ленинграддаги 38 та бирлашмалар, завод ва фабрикалар коллективларининг янги йил арафасида бошлаган ватанпарварлик ташаббуслари айниқса, диққатга сазовордир. Бу корхоналар ишчилари, инженер-техник ходимлари саноатимиз тайёрлаётган маҳсулотлар шухратини оширишга астойдил беғ боғладилар. Улар илмий-тадқиқот, лойиҳалаш-конструкторлик ташкилотлари ва олий ўқув юртларининг илм аҳллари билан ижодий ҳамкорликда ўз корхоналарида тайёрланадиган маҳсулотларнинг энг муҳим турлари бўйича узоғи билан уч-тўрт йил ичида жаҳоннинг энг яхши стандартлари даражасига эришиш юзасидан социалистик мажбуриятлар олишди. Улар мамлакатимиздаги барча саноат корхоналари ишчилари ва инженер-техник ходимларига, олимларга мурожаат қилиб, юксак сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун умумхалқ нурашини кенг кўламда авж олдиришга чақиришди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети бу қимматли ташаббусни маъқуллаган ва барча корхоналарда тўла қўллаб-қувватланиши, ҳар томонлама оммалаштирилишига ишонч билдиришди. Москвалик ва ленинградликларнинг бу ташаббуси катта аҳамиятга эгадир. Шаҳар, район партия комитетлари, жойлардаги бошланғич партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари бу ташаббусни қўллаб-қувватлашлари, техника прогресси ва маҳсулотнинг сифатини бўлиши учун кураш ҳар бир ишчи, мастер, олим, инженер, техник, технолог, конструктор ва экономистнинг жонажон иши бўлиб қолишига эришишлари керак. Бу мавсумий иш эмас, балки ижтимоий меҳнат унумдорлигини оширишнинг зарур шартидир, коммунизмнинг узил-кесил ғалабаси эса нўп жиҳатдан шунга боғлиқдир.

Социалистин мусобақа ҳақиқатан ҳам коммунистин тарбиянинг умумхалқ мактабидир. Социалистин мусобақага нун сайин раҳбарлик қилиш, унинг оммавийлигини таъминлаш, самарали бўлиши учун барча зарур чора-тадбирларни кўриш, мусобақа қатнашчиларининг ижодий активлигини ошириш, маслаҳат ва мулоҳазаларига эътибор билан муносабатда бўлиш жойлардаги барча партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг муқаддас бурчидир.

Етти йиллиннинг охирги йили давлат планини областимиз халқ хўжалигининг барча тармоқлари бўйича муваффақиятли бажариш, техника прогресси, маҳсулот сифатини яхшилаш, тайёрланаётган ҳар бир буюмнинг чидамлилигини ошириш учун социалистин мусобақа байроғини баланд кўтарайлик. Шунда эришайликки, социалистин мусобақага қўшилмаган бирорта корхона ёки цех, бригада ёки ишчи қолмасин!

ТАШАББУСГА ҚЎШИЛИШДИ

Москва ва Ленинград саноат корхоналари коллективлари ҳамма ишчи, инженер-техник ходимларга мурожаат қилиб уларни жаҳон қойил қоладиган аъло сифатли маҳсулот тайёрлаш мусобақасига қўшилишга чақирдилар. Бу янги ташаббус областимизнинг барча корхоналари бўйлаб кенг қанот қоқмоқда. Тошкент тепловоз-вагон ремонти заводи коллективи бу ташаббус моҳиятини тезда ўқиб, унга қўшилдилар. Корхона меҳнатсеварлари ремонт сифатини ошириш, тепловозларнинг узоқ вақт ҳаракатда бўлишини таъминлаш учун кураш бошладилар.

Исроил Ҳолмуҳамедов бошлиқ ремонтчилар бригадаси аъзолари сифат учун курашда алоҳида ғайрат кўрсатмоқдалар. Сўнгги пайтда бригадада меҳнат унумдорлиги 7 процентга ошди. Қўлдан чиқаётган ғалтаклар сифати ҳам сонга яраша. Коллектив улар меҳнатидан мамнун. С. Алиев, Х. Раҳимов, В. Шопачников, А. Матков каби пешқадамлар смена топшириқларини бир ярим ҳиссага етказиб бажармоқдалар. Ишлар фақат иш билан кифояланиб қолмасдан, махсус ва олий ўқув юртларида ҳам ўз билимларини тинмай оширмоқдалар. Бригадирнинг ўзи Тошкент темир йўл техникумининг V курсида ўқияпти. У илм-фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этишда ўз дўстларига яқиндан ёрдам бермоқда.

М. ТУХТАСИНОВ.

ҲАММАСИ АЪЛО СИФАТЛИ

Қуёш нурида товланиб, кўзни қамаштираётган толим-толим бу ипаклар пешма-пеш ўлкамиз тўқимачилик корхоналари учун жўнатилмоқда. Заказчилар маҳсулот салмоғидан ҳам, сифатидан ҳам ғоят хурсанд. Бу корхона меҳнатсеварлари зиммадаги топшириқларни ойма-ой, қунма-кун ортиғи билан адо этишга одатланишган. Янги йил кирмасданоқ улар 1965 йилни кутиб олишган эди. Ўтган йили зиммадагидан анча кўп ипак йигирилди. Мана бугун корхона цехларига бир назар ташланг. Машиналар гувури бир зум бўлса-да, тинмайди. Ҳамма ғайрат билан меҳнат қиляпти.

Москва ва Ленинград саноат корхоналарининг янги йил арафасида бошлаган ажойиб ташаббуслари бу корхонага ҳам етиб келди. Фабрика коллективи илғорлар ташаббусига биринчилар қаторида қўшилиб, фақат аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун кураш бошлади. Куни кеча корхона цехларида бир янгилик туғилди. Ишга туширилган автоматик конвейер маҳсулот сифатини яхшилаб, меҳнат унумдорлигини анча оширмоқда. Энди пиллани буғлатишдан бошлаб то ипак учини топишгача бўлган процесслар автоматик усулда бажариларвераді.

— Янги йилнинг дастлабки куниданоқ маҳсулот сифатига алоҳида эътибор бераяпмиз, — дейди Тошкент ипак йигирув фабрикаси директори ўртоқ М. Мирқосимов. — Бу ҳозирги кунда ўз самарасини кўрсатмоқда. Ишлаб чиқараётган барча маҳсулотларимиз бекаму-кўст биринчи сортга қабул қилиняпти. Москвалик ва ленинградликлар ташаббусига қўшилган ҳар бир корхона ютуқлар кетидан ютуқларга эришаверади.

Фабрика коллективи янги йилни шундай бошлади. Мастер ёрдамчиси Анвар Раҳматуллаев бошлиқ йигирувчилар коллектив ўртасида машъал бўлиб порламоқдалар. Улар фақат аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун ғайрат кўрсатаяптилар.

Ж. НОСИРОВ.

КЎКЛАМ ТАРАДДУДИ

Ўрта Чирчиқ районидаги «Ўрта сарой» совхозининг азамат механизаторлари кўклам экишига ҳар тарафлама пухта шайланмоқдалар. Ҳар бир тракторчи техникадан моҳирлик билан фойдаланиб иш унумини тобора ошираётир. Шу сабабли ҳам совхозда шудгорлаш иши муддатидан анча олдин тамом бўлди. 460 гектар ер 30—35 сантиметр чуқурликда ҳайдалиб қўйилди. Бу ишда Н. Крилов, Т. Айимбетов, Р. Анафиев каби тракторчиларнинг хизмати катта бўлди. Улар ҳар бир дақиқадан самарали фойдаланиб, кунлик ҳайдаш нормаларини ошириб бажардилар.

Шу кунларда совхозда далага кўпроқ маҳаллий ўғит чиқаришга ҳаракат қилинмоқда. Шунингдек, экин майдонларининг ҳаммаси ўғитланиб, сўнгра ҳайдалди.

Совхоз коллективи техникадан моҳирлик билан фойдаланиб, ариқ-зовурларни тозалаш ишларини ҳам кучайтириб юборди.

М. ОТАҚУЛОВ.

ЮКСАЛИШДА

Киши юксалишни ўзига мақсад қилиб олиб, астойдил ишласа албатта юксалади. Буни ҳаёт яққол кўрсатиб турибди. «Эл-юртимга нафим тегсин» деган мақсадни дилига жо қилиб олган олиҳиммат кишиларимиз йил сайин юксакроқ чўққиларга кўтарилмоқдалар. Мана, Қалинин районидаги «Партия XX съезди» колхозининг чорвадорларини олиб кўрайлик. Улар чорва маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришдек катта ишга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиш учун ғайраттижоатларини аямай меҳнат қилишмоқда. Етти йилликнинг олтинчи йили ажойиб натижалар билан якунланди.

Колхозда кейинги икки-уч йилдан бери давлатга сут сотиш плани бажарилмай келар эди. Бу нарса ферма коллективини жиддийроқ ўйлаб кўришга, ишни янгичасига ташкил этишга мажбур қилди. Ўтган йил сут соғиб олишни кўпайтиришга қандай бўлмасин эришиш мақсадида ҳар бир иш ниҳоятда омилкорлик билан бажарила бошланди. Аввалам бор ем-хашак мўл-кўл қилиб жамғарилди. Ферма бинолари тартибга солинди. Одамларнинг маҳоратини оширишга ҳаракат қилинди. Сут соғувчилар ўртасида бошланган ўзаро социалистик мусобақа ой сайин авж олаборди.

Йил охирлаганда кўзланган маррага етиб олинди. Ферма илгариги йилларга нисбатан анча юксакликка кўтарилди. Сигирлардан соғиб олинган сут 3339 центнердан ошиб кетди. Сут соғувчилар «йиллик планни қариб 110 процент қилиб бажардик» деб ғалаба рапорти бердилар.

Ўртоқ Анвар Турсунов раҳбарлик қилаётган фермада илғорлар кўп. Сут соғувчи Рихси Толипова ҳаммадан ўзиб кетди. У ўз боқимидаги 20 бош сигирнинг ҳар бошидан пландаги 1724 литр ўрнига 2200 литрдан ортиқ сут соғиб олди. Унинг бир йилда соғиб олган сути 44 минг литрдан ошиб кетди. Ғайратли сут соғувчилардан Вазира Малиева ва Тожи Исмоилова сингари ўртоқлар ҳам ундан қолишишмади.

Колхоз чорвадорлари гўшт сотиш планини ҳам муваффақиятли бажариб она-Ватанга 664 центнер семиз гўшт армуғон этдилар. Бунда Сотим Мирзаалиев, Аҳмадхон Алихонов каби ўртоқларнинг улуши катта.

— Мана, янги йил ҳам бошланди. Ҳар бир киши янги йилда янги ишларини кўнглига тугиб қўяди, — дейди колхоз раиси ўртоқ Муслим Пўлатов, — биз ҳам шундай қиламиз. Янги йилда айниқса чорвачиликни янада ривожлантиришга катта эътибор берамиз. Фермамизда комплекс чорвачилик бригадалари тузилади. Бундай бригадалар қончалик афзал эканлигини чорвадорларимиз жуда яхши тушинишади. Чунки ем-хашакни кўпайтириш тўғрисида бевосита ферма ходимларининг ўзлари қайғуришади. Ем-хашак кўпайса, чорва маҳсулотлари ҳам кўпаяди.

Ферма коллективи келгуси юксак марраларни кўзлаб, ҳозирданоқ тараддудни авж олдириб юборди. Баҳорда ем-хашак экинлари экилиши керак бўлган ерлар чуқур шудгорлаб қўйилди. Фермадаги оғир қўл ишларини механизмлар зиммасига юклаш тўғрисида ҳам жиддий ўйлаб кўриляпти.

«Партия XX съезди» колхозининг олиҳиммат чорвадорлари, сизларга янги йилда янгидан-янги муваффақиятлар тилаймиз.

З. МУҲАММАДЖОНОВ.

ҲХР РАҲБАРЛАРИГА ТАБРИК

А. И. Микоян ва А. Н. Косигин ўртоқлар Лю Шао-ци, Чжу Дэ ва Чжоу Энь-лай ўртоқларга телеграмма юбориб, Лю Шао-ци Хитой Халқ Республикасининг раиси қилиб, Чжу Дэ Халқ вакиллари Умум Хитой мажлиси доимий комитетининг раиси қилиб сайланганлиги ва Чжоу Энь-лай ХХР Давлат кенгашининг бош министри лавозимига тайинланганлиги муносабати билан уларни қизғин табрикладилар.

Совет кишилари, дейилади телеграммада, қардош Хитой халқининг ҳар бир муваффақиятидан астойдил қувонмоқдалар ҳамда унга социализм қурилишида, тинчликни мустаҳкамлаш учун курашда янги ғалабалар тилайдилар.

Ҳар иккала мамлакат ўртасидаги дўстликни ва жуда яқин ҳамкорликни социалистик интернационализм принциплари асосида янада самарали тарзда ривожлантириш — империализмга ва унинг агрессив режаларига қарши, тинчлик, озодлик, миллий мустақиллик, социал тараққиёт учун, коммунизм порлоқ идеалларининг ғалабаси учун бутун меҳнаткаш инсоният олиб бораётган курашдаги умумий ишга муҳим ҳисса бўлиб қўшилади, деб ишонч билдирилади телеграммада.

(ТАСС).

КЎМИР ЭШЕЛОНЛАРИ

Оҳангарон кўмир разрези коллективи янги йилнинг дастлабки уч кунн давомида бажарган ўз ишлари ҳажмини ҳисоблаб чиқди. Ўлкамиз саноат корхоналарига 840 вагон аъло сифатли кўмир етказиб берилди. Уларнинг 60 таси планга қўшимчадир. Конлардан чиқаётган вагонларни вақт ўтказмай жойларга жўнатишда Оҳангарон станцияси коллективининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Станция навбатчиси Т. Соловьева, поезд лар тузувчи Б. Мирзаалиев, старший назоратчи С. Чеботарев каби илғорлар вақтдан унумли фойдаланишаяпти.

Станция ва кон коллективлари янги йилни шундай зафарлар билан бошлашди. Ҳали олдимизда ҳафталар, ойлар турибди. Шу ғайрат ва шижоат билан меҳнат қилинаверса, планга қўшимча равишда жўнатиладиган вагонлар сони ҳам ортаверади.

А. КОМИССАРОВ.

ДЎСТОНА ВАЗИЯТДА

БАМАКО, 6 январь. (ТАСС). Малида меҳмон бўлиб турган КПСС делегациясининг бошлиғи, КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат Ш. Р. Рашидов кеча Мали Республикаси президенти, Судан Иттифоқи партиясининг бош секретари Модибо Кейтага КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг шахсий мактубини топширди. М. Кейта ўзингиз учун қулай фурсатда Совет Иттифоқига ташриф буюрсангиз деб мактубда айтилган таклифни қабул қилиб олди ҳамда келгуси йили Мали партия делегациясини Совет Иттифоқига юборишни таклиф қилганлиги учун КПСС Марказий Комитетига миннатдорчилик билдирди.

КПСС делегациясининг аъзолари бугун эрталаб Судан Иттифоқи партиясининг сиёсий секретари Идрисса Диарра билан учрашдилар. Идрисса Диарра КПСС делегациясини Партия уйида қизғин табриклади ҳамда уйнинг халқ маблағлари ҳисобига қурилганлигини совет меҳмонларига сўзлаб берди. Совет коммунистлари, деди Идрисса Диарра, бизнинг Партия уйимизни худди ўз уйларидек сеза беришлари мумкин.

КПСС делегациясининг бошлиғи Ш. Р. Рашидов КПСС билан Судан Иттифоқи партияси ўртасидаги алоқалар мустаҳкамланиб бораётганлигига КПСС Марказий Комитети номидан зўр мамнуният изҳор этди. Ш. Р. Рашидов КПСС Марказий Комитети Судан Иттифоқи партиясига тортиқ тариқасида Бамакода олий партия мактаби учун бино қуриб беришга қарор қилганлигини айтди.

Идрисса Диарра дўстона ёрдам учун миннатдорчилик билдириб, иккала партия ўртасидаги алоқалар Судан Иттифоқи партиясининг ишига идеология соҳасида ғоят мадад бермоқда, деб таъкидлади. Партия кадрларини тарбиялаш, деди у, биз учун асосий масаладир, биноварин, шу сабабдан олий партия мактабининг қурилиши Малининг социализм йўлидан ривожланиб боришига муҳим ҳисса бўлиб қўшилади.

Кундузи совет меҳмонлари республика маҳсулот ишлаш саноатининг тўнгич корхонаси — социалистик мамлакатлар ёрдами билан ўтган йили Багиндада қурилган консерва заводи билан танишдилар. Делегация аъзолари заводнинг цехларини кўздан кечирдилар, ишчилар, техниклар билан, Бамако округидаги партия ташкилотларининг раҳбарлари билан дўстона суҳбатлашдилар.

Куннинг иккинчи ярми совет мутахассисларининг лойиҳаларига асосан СССР ёрдами билан барпо этилаётган пойтахтдаги янги қурилишларни кўздан кечириш билан ўтди.

Делегация спорт комплексини, медицина мактабини, профессионал-техника таълими марказини бориб кўрди.

Делегация эртага мамлакат бўйлаб сафарга чиқади.

Метан конверсияси цехи Чирчиқ электрохимия комбинатида йиллик топшириқни биринчилар қаторида адо этган коллективлардан. Цех меҳнатсеварлари янги йилни ҳам яхши бошлашди. Ҳамма ғайрат билан меҳнат қиляпти. Эришилаётган ютуқда аппаратчи Тўлаган Эшонқуловнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. У бошқараётган агрегатлар доимо ҳаракатда. Суратда: ўртоқ Т. Эшонқулов.

В. ПОПОВ фотоси.

ДАВЛАТ, ХАЛҚ МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАБ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШНИ БУТУН ЧОРАЛАР БИЛАН КЎПАЙТИРАЙЛИК, ТАЙЁРЛАШ ПЛАНЛАРИНИ ЎЗ ВАҚТИДА БАЖАРАЙЛИК

Етти йилликнинг олтинчи йили — 1964 йил тамом бўлди. Бизнинг халқимиз 1964 йилда коммунистик қурилишда, экономикани мустаҳкамлашда, совет кишиларининг моддий фаровонлигини оширишда янгидан-янги муваффақиятларга эришди.

Қишлоқ хўжалик ходимлари дон, қанд лавлаги, пахта, кунгабоқар ва картошкадан мўл ҳосил етиштирдилар. Ана шу маҳсулотларни харид қилиш давлат планлари ошириб бажарилди. Бу эса қишлоқ меҳнаткашларини, бутун совет халқини қувонтирмоқда.

Коммунистик партия ўзининг бутун фаолиятида халқ бахт-саодати тўғрисида, халқнинг турмуш даражасини ошириш тўғрисида ғамхўрлик қилишни ҳар нарсадан афзал кўради. СССР Олий Советининг бешинчи сессиясида қабул қилинган 1965 йилги халқ хўжалик планида экономикамизнинг ҳамма тармоқларини, шу жумладан қишлоқ хўжалигини ҳам янада ривожлантириш учун кўп маблағ ажратиш кўзда тутилган. Қишлоқ хўжалиги халқ учун моддий неъматлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришда муҳим роль ўйнайди.

Совет давлати қишлоқ хўжалигининг моддий техника базасини бутун чоралар билан мустаҳкамлоқда. Социалистик саноат 1965 йилда совхоз ва колхозларга 240 минг трактор, дон йиғиштириб оладиган 80 минг комбайн, қарийб бир ярим миллиард сўмлик бошқа қишлоқ хўжалик машиналари беради. Минерал ўғитлар ишлаб чиқариш анча кўпайтирилади. Қишлоқлардаги қурилиш эҳтиёжлари учун кўп маблағ ажратилади. 1965 йил планида қишлоқ хўжалигидаги ишлаб чиқариш мақсадлари учун 5,7 миллиард сўм, ёки ўтган йилдагидан 18 процент кўпроқ капитал маблағ ажратиш кўзда тутилади. Капитал қурилиш учун колхозларга 1,5 миллиард сўм миқдорида узоқ муддатли кредит берилади.

Қишлоқ хўжалигига сарфланадиган маблағлар бундан буён ҳам орта боради. Вазифа шуки, бу маблағларни қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши учун энг кўп самара берадиган қилиб сарфлаш керак. Колхоз ва совхозларда техникадан яхшироқ фойдаланиш, меҳнатни пухта ташкил этиш, кишиларнинг ўз ишлари натижаларидан моддий манфаатдорлигини ошириш, меҳнат унумдорлигини ўстиришга эришиш, маҳсулот етиштиришни кескин суратда кўпайтириш ва унинг таннархини арзонлаштиришни таъминлаш зарур.

Қишлоқ хўжалик ходимлари ишлаб чиқариш суръатларини доим жадаллаштиришлари, Ватанга тобора кўпроқ ғалла, гўшт, сут ва бошқа маҳсулотларни етказиб беришлари лозим. Давлат омборлари нечоғли тўла бўлса, совет халқининг, барча ишчилар, колхозчилар, интеллигенциянинг турмуш даражаси ҳам шу қадар юқори бўлади.

Шу кунларда колхоз ва совхозларда қишлоқ хўжалик йилининг якунлари тўпланмоқда, келгусидаги ишларнинг режалари белгиланмоқда. Ҳар бир хўжаликнинг муваффақияти ишлаб чиқаришнинг нечоғли тўғри планлаштирилганига, унинг имкониятлари ва резервлари қанчалик ҳисобга олинганлигига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Коммунистик партия ва Совет ҳукумати қишлоқ меҳнаткашларининг ташаббусини бутун чоралар билан рағбатлантириб, колхоз ва совхозларга ўз ишлаб чиқаришини планлаштириш ҳуқуқини бердилар. Давлат раҳбарлигини колхозчилар, совхоз ходимларининг, қишлоқ хўжалик мутахассисларининг ижодий активлигини кенг ривожлантириш билан бирга қўшиб олиб бориш планлаштиришнинг янги тартиби учун асос қилиб олинди. Мамлакат экономикасини ривожлантириш, бутун халқнинг, шу жумладан колхозчиларнинг ва совхоз ходимларининг моддий фаровонлиги ҳамда маънавий савиясини ўстириш уларнинг ишни қай тарика ташкил этишларига, асосий бойлик — ердан қандай фойдаланишларига, маҳсулот сотиш ва топшириш юзасидан давлат топшириқларини нечоғли муваффақиятли бажаришларига ҳал қилувчи даражада боғлиқ бўлади.

Коммунистик партиянинг КПСС XXII съездида қабул қилинган Программасида бундай дейилади: **«Колхоз ва колхозчиларнинг давлат билан тузилган шартнома мажбуриятларига қатъий риоя қилишлари уларнинг бутун халқ хўжалигини ривожлантиришда ишончли этишларининг бузилмас принципидир».**

Ҳар йилги давлат планида ишлаб чиқаришнинг ўсиши ҳисобга олиниб, қишлоқ хўжалигининг асосий маҳсулотларини харид қилиш миқдорлари белгиланади. Республика, ўлка, область ва район ташкилотлари шу планга асосланиб, колхоз ва совхозларнинг юқори сифатли маҳсулотларнинг қандай турларини ва қанча миқдорда сотишлари кераклиги тўғрисидаги топшириқни колхоз ва совхозларга етказадилар. **Бу — қишлоқ хўжалигига, колхоз ва совхозларга ўзига хос умумхалқ заказидир. Бу заказда давлатнинг, совет жамиятининг энг муҳим эҳтиёжлари ўз ифодасини топган бўлади.**

Қишлоқ меҳнаткашлари маҳсулотнинг ҳар бир турини харид қилиш юзасидан белгиланган давлат планларига мувофиқ, экин майдонларининг миқдори ва энг фойдали структурасини, шунингдек чорвачиликни ривожлантиришдаги йўналишларни ишлаб чиқариш планларида белгилай оладилар ва белгилашлари керак. Улар қандай экинларни ва қанча экиш, фермаларда қанча миқдорда мол асраш, ердан қай тарика рационал фойдаланиш кераклигини ҳал этадилар. Колхозчилар, совхоз ходимлари энг кўп ҳосил йиғиштириб олиш, давлатга дон, картошка, сабзавот, техника экинлари, гўшт, сут ва бошқа маҳсулотларни сотиш планини муваффақиятли бажариш, кишиларнинг меҳнатига салмоқли ҳақ тўланишини таъминлаш, яхши сифатли уруғларни жамғариб қўйиш, емхашак ва эҳтиёт фондларини вужудга келтириш учун конкрет чораларни белгилайдилар.

Планлаштиришнинг янги тартиби ижобий натижалар беради. Бу тартибга қаттиқ риоя қилинган жойда ердан яхшироқ, рационалроқ фойдаланилади, ҳосилдорлик ортади, чорвачилик ривожланади, хўжаликнинг экономикаси мустаҳкамланади, маҳсулотларни сотиш юзасидан давлат топшириқлари муваффақиятли бажарилади, қишлоқ меҳнаткашларининг даромадлари орта боради.

Хўжаликларнинг раҳбарлари, мутахассислар, барча қишлоқ меҳнаткашлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш планларини тузган вақтларида мамлакат олдида олинган мажбуриятларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилишлари лозим. **Бу планларда давлат манфаатлари мазкур хўжаликнинг манфаатлари билан тўғри боғланиши керак.**

Планлаштириш ва хўжаликка раҳбарлик қилиш санъати колхоз ёки совхоз ихтиёрида бўлган моддий, меҳнат ва молиявий ресурслардан, табиий бойликлардан энг рационал ва энг самарали фойдаланишдан иборат. **План тузишга ижодий ёндошиш, хўжаликнинг имкониятларини ҳар томонлама ҳисобга олишгина кутилган натижаларни беради.** Планлаштиришга пала-партиш ва юзаки қаралган жойда, бунинг аксича, муқаррар ўпирилиш рўй беради.

Баъзи колхозларда жиддий асослар бўлмагани ҳолда, мазкур табиий зона учун энг муҳим бўлган экинлар майдонларини ўзбошимчалик билан қисқартириб, бу ерларга бошқа экинларни экадилар. Шундай мисолни келтириш мумкин. Краснодар ўлкасининг Ново-Кубанский районидаги хўжаликлар 1964 йилда планга мувофиқ қанд заводларига 470 минг тонна лавлаги топширишлари керак эди. Райондаги колхоз ва совхозлар тайёрлаш ҳажми ва ҳосилдорликнинг эришилган даражасига мувофиқ, 19.550 гектар майдонга лавлаги экишлари керак эди. Аммо, хўжаликлар планлаштириш ҳуқуқи берилганлигидан фойдаланиб, экин майдонини қисқартирдилар, ҳосилдорликни ошириш тўғрисида эса ғамхўрлик қилмадилар. Бунинг натижасида қанд лавлаги ҳосили ўлкадаги ўртача даражага нисбатан анча паст бўлди. Бу район тайёрлаш планини бажармади ва давлатга юз минг тонналан кўпроқ лавлаги бера олмай қолди.

Планлар кўпинча жиддий иқтисодий ва ташкилий асослар бўлмагани ҳолда тузилади. Ахир, план реал ҳаётни, ишлаб чиқаришнинг конкрет шарт-шароитларини, унинг резервларини ва имкониятларини акс эттириши керакку. План ҳосилдорликнинг амалда эришилган даражасини, деҳқончиликни механизациялаш ва химиялаштириш даражасини, фан ютуқлари ва илғор практикани жорий қилиш кўламларини ҳисобга олиши керак. Бундай қилмаганда, ҳар қандай мўлжал нореал бўлиб чиқиши мумкин.

Ишлаб чиқаришни планлаштириш фан ютуқлари ва илғор тажрибани жорий қилиш, деҳқончилик ва чорвачилик маданиятини юксалтириш соҳасидаги тадбирлар билан маҳкам боғлаб олиб борилиши лозим. Тўғри алмашлаб экишни ўзлаштириш, экин майдонларининг рационал структурасини жорий қилиш, бир хил экинларни бошқа экинлар билан алмаштириш каби масалаларнинг ҳаммасини давлат манфаатларини ва ҳар бир хўжаликнинг манфаатларини кўзда тутиб ҳал этиш зарур. Шу нарса муҳимки, маҳсулот етиштиришни кўпайтириш таъминлансин, давлатга маҳсулот сотиш юзасидан белгиланган топшириқлар бажарилсин, колхозларнинг, совхозларнинг экономикаси мустаҳкамлансин, қишлоқ меҳнаткашларининг моддий фаровонлиги оширила борсин.

Тўғри алмашлаб экиш қандай катта аҳамиятга эга эканлиги маълум. Экинларни оқилона суратда навбатлаб экиш ва бу тадбирни юксак агротехника ҳамда далаларни ўғитлаш билан бирга қўшиб олиб бориш мўл ҳосил

ПРАВДА

етиштиришнинг, ялпи ғалла ҳосилини кўпайтиришнинг мустаҳкам шартидир. Ваҳолонки, шундай фактлар ҳам учраб туради: колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари алмашлаб экишни жорий қилишда шундай навбат белгилайдиларки, бунинг натижасида асосий озиқ-овқат экинлари — бугдой, жавдари бугдой, гречиха, тариқ ва бошқа экин майдонлари қисқариб кетади ва айни вақтда мўл ҳосил йиғиштириб олиш ҳамда ҳар бир экин бўйича маҳсулот тайёрлаш давлат планини тўла ҳажмда бажариш учун амалий чораларни кўрмайдилар.

Ў ёки бу хўжаликдаги деҳқонлар ерларнинг бир қисмини ҳайдаб қўйиш ёки чорва моллар учун кўпроқ ем-хашак тайёрлаш мақсадида маккажўхори, йўғичқа, беда ёхуд бошқа экинлар экишни зарур деб ҳисоблашлари мумкин. Бу ишларнинг ҳаммасини оқилона суратда, давлат манфаатларини ва хўжаликнинг конкрет шароитларини ҳисобга олиб бажариш керак. Чорвачиликни жадал ривожлантириш учун мустаҳкам ем-хашак базаси бўлиши, хилма-хил озуқалар мўл бўлиши лозим. Бунда аввало, табиий ўтлоқларнинг бойликларидан тўла фойдаланиш масаласи ўртага қўйилади. Бизнинг мамлакатимизда бепоён ўтлоқ ва яйловлар бор. Булардан рационал фойдаланиб, кўп озуқа ва, бинобарин, арзон чорвачилик маҳсулотлари олиш мумкин. Ўз планларида ўтлоқ ва яйловларни яхшилаш, уларнинг ҳосилдорлигини ошириш тадбирларини кўзда тутган, «кўк конвейер»ни ташкил этаётган хўжаликлар тўғри иш қилмоқдалар.

Мамлакатнинг ҳар бир зонасида далачиликдаги етакчи йўналиш кўпданоқ белгиланган. Бунда экинларнинг муайян турлари ҳам, ўз навлари ҳам, ўз агротехникаси ҳам бор. Масалан, Саратов Заволжьеси зонасида қаттиқ ва бақувват бугдой катта ўрин тутади. Бу ўлка бугдойнинг ана шу навлари билан ном чиқарган. Саратовликлар 1964 йилда кўп ғалла етиштириб, Ватанни қувонтирдилар. Мамлакат улардан 200 миллион пуд, яъни топшириқда кўзда тутилганидан қарийб 65 миллион пуд кўпроқ дон олди. Бугдой сотиш плани 123 процентга етказиб бажарилди. Қандай ажойиб муваффақият!

Айни вақтда саратовликлар давлатга ёрмабоп экинлар—гречиха ва тариқ сотиш юзасидан қарздор бўлиб қолдилар. Арпа топшириш плани 2,5 баравар, дуккакли дон экинлари сотиш плани эса 12 баравар ошириб бажарилди. Бу мисол областдаги раҳбар органлар, кўпгина колхоз ва совхозлар планлаштиришда жиддий нуқсонларга йўл қўйганликларини акс эттиради. Арпа ҳам, нўхат ҳам ўз истеъмолчисини топади, хўжаликларга даромад келтиради, албатта. Аммо, саратовликлар барча экинлар бўйича топшириқни бажарганларида, давлат, бинобарин, бутун совет халқи ҳам кўпроқ наф кўрган бўлур эди. Давлат халқ хўжалик планини тузиш вақтида маҳсулот ҳар бир турининг муайян миқдорда бўлишини кўзда тутади. Бундай ҳисоб-китоблар илмий жиҳатдан асосланган бўлиб, ҳар бир маҳсулотни истеъмол қилишнинг муайян нормаларидан келиб чиқади.

Давлат планида халқ хўжалигининг ҳамма тармоқлари, унинг ҳамма звеноларининг узвий равишда боғланиши лозим. Булар яхлит бир нарсани ташкил этишлари керак. Бирор звенода план топшириқлари бажарилмай қолса, бу ҳол бошқа соҳаларга ёмон таъсир кўрсатиши мумкин.

Планлаштиришдаги нуқсонлар ҳозирги пайтда ҳам баъзи жойларда такрорланаётганлиги учун бунга алоҳида эслатиб ўтиш керак. Масалан, Новосибирск областининг Ординск районидаги колхоз ва совхозлар 1965 йилги мўлжалларида гречиха экиладиган майдонларни асоссиз қисқартирганлар. Шу областнинг Новосибирск районида ҳеч ўйлаб-нетиб турмай план тузганлар. Бу районда тариқ каби экинни далалардан бутунлай деярли суриб чиқаришга қарор берганлар.

Суғориладиган деҳқончилик ривожланган бир қанча районларда шолипоялар жуда суст кенгайтирилмоқда, ана шу қимматли озиқ-овқат экини ҳосилдорлигини ошириш учун кам иш қилинмоқда. Шолиқор колхоз ва совхозларнинг 1965 йилги планларида ана шу жиддий камчиликларни йўқотиш учун амалий чораларни кўзда тутиш керак. Бизнинг мамлакатимизда пахта ва бошқа энг муҳим маҳсулотларни етиштиришга зарар етказмаган ҳолда, кўпроқ шоли етиштириш, халқнинг гуручга бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш учун бутун шарт-шароит мавжуддир.

Ишлаб чиқаришни планлаштириш — ҳар бир хўжаликнинг реал иқтисодий имкониятларига қатъий илмий баҳо бериш демакдир. Аммо, планлаштиришга ана шу имкониятларни ҳисобга олмай қаралаётганлигини кўрсатадиган ҳоллар кўп учраб туради. Масалан, бирор колхоз бир неча йил мобайнида гектар бошига ўрта ҳисобда 18 центнердан бугдой ҳосили олиб келди, деб фараз қилайлик, энди бўлса бу колхоз гектар бошига 15 центнердан бугдой ҳосили олишни планлаштиради. Ваҳолонки, колхознинг имкониятлари камаймай, балки аксинча ортди: янги машиналар олинди, кўпроқ ўғит келтирилди, уруғларнинг сифати ҳам яхшиланди. Демак, аввалги йиллардагига нисбатан кўпроқ мўл ҳосил етиштириш учун барча шарт-шароит мавжуд. Аммо, колхозда шундай фикр юритсалар керак: реал тузилган планни бажармай, қолоқлар қаторига ўтишдан кўра, ҳосилдорлик юзасидан камайтирилган планни ошириб бажариш ва илғорлар қаторига ўтиб олиш яхшироқ-ку.

Шундай ҳоллар ҳам бўлади. Хўжалик кейинги йилларда гектар бошига ўрта ҳисобда 10-12 центнердан дон олиб келди, энди бўлса 18 центнердан дон олишни планлаштиради. Лекин планда ҳосилдорликнинг шу тариқа оширилишини таъминлаш учун ҳеч қандай амалий тадбирлар кўзда тутилмайди. Бу эса катта рақамлар, дабдабали мажбуриятлар билан «чираниш»га интилишдан бошқа бир нарса эмас. Ҳолбуки, баъзи раҳбарларнинг йил бошида ўз зиммаларига олган юксак мажбуриятлари тўғрисида шовқин-сурон кўтарганлари ҳолда, куз фаслида берган ваъдалари қоғозга ёзилганича қолиб кетгани учун юзлари шувут бўлиб қолганликларини кўрсатадиган фактлар ҳам маълум-ку.

Колхоз, совхознинг йиллик планида ҳар бир рақам реал ва асосланган бўлиши керак. Хўжаликнинг конкрет шарт-шароитлари акс эттирилган, унинг барча имкониятлари ҳисобга олинган, давлат манфаатлари кўзда тутилган плангина ҳаётий пландир. Бундай план коллектив учун чинакам ҳаракат программаси ва сафарбар қилувчи асос бўлади.

Пухта, чуқур ўйлаб қилинган ҳисоб-китоб, ҳар бир айрим хўжаликнинг фаолиятига ва ундаги барча тармоқларнинг фаолиятига ҳар томонлама баҳо бериш — тўғри планлаштиришнинг зарур шартидир. Колхоз, совхозлар бир зонада жойлашган бўлиб, уларнинг табиий-иқтисодий, ишлаб чиқариш шароитлари бир хил бўлган тақдирда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш юзасидан бериладиган план топшириқларида ҳам катта тафовут бўлмаслиги керак. Бунда ёмон ишлаётганга камроқ план бериш керак, яхши ишлаётганнинг планини ошириш керак, деган принципга асло амал қилмаслик лозим. Бундай практика нимага олиб келади? Шунга олиб келадики, ерлар бўйича берилган топшириқлар кўпинча иқтисодий жиҳатдан бақувват хўжаликлар ҳисобига бажарилади. Айни вақтда ана шу хўжаликларнинг бир қисми бутун куч-ғайратини сарф қилиб ишламайди, ўз имкониятларидан яхши фойдаланмайди. Бу ҳол муқаррар суратда бировлар ҳисобига кун кечириш кайфиятини туғдиради, кишиларнинг ишлаб чиқаришни ўстиришдан моддий манфаатдорлигига путур етказади, давлатга зиён келтиради. колхозчиларнинг ва совхоз ишчиларининг моддий аҳволини ёмонлаштиради.

План тузиш олдидан ишлаб чиқаришнинг аҳволи чуқур ва пухта анализ қилиниши керак. Кенг активни, бригада, звено бошлиқларини, ферма мудирларини, новаторларни, барча деҳқонлар, чорвадорлар ва механизаторларни бу ишга жалб этиш лозим. Партия, совет, қишлоқ хўжалик органлари бу ишга бошчилик қилишлари керак. Қишлоқ меҳнаткашларининг ўз фаолиятига баҳо беришга, план тузишга давлат нуқтаи назаридан қарашларига ёрдам бериш — уларнинг бевосита бурчидир. Экономикани чуқур билиш, камчиликларни аниқ-равшан кўриш, янги резервларни ишга солиш, ҳар ютуқларини ва хўжаликдаги, район, зонадаги илғорлар тўплаган тажрибани кенг қўлланиш лозим. **Кишларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришни ўстиришдан моддий манфаатдорлигини ошириш юзасидан планда конкрет тадбирларни белгилаш ғоят муҳимдир. Қишлоқнинг ҳар бир меҳнаткаши нечоғли яхши ишласа, нечоғли зўр ғайрат кўрсатса, нечоғли кўп маҳсулот етиштирса, ўз меҳнати учун шу қадар кўп ҳақ олишига амин бўлмоғи керак.**

Баъзи раҳбарларни кераксиз буйруқбозликдан яна бир марта тийиб қўйиш ортиқча бўлмас. Партия шаблон планлаштириш практикасини қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи зарарли практика деб қоралади. Баъзи раҳбарлар қишлоқ меҳнаткашларининг ижодий активлигини бутун чоралар билан қўллаб-қувватлаш, фан ютуқлари ва илғор практикани жорий қилишга ёрдам бериш, маҳаллий шароитларни ва хўжаликларнинг ихтисослаштирилишини ҳисобга олиш ўрнига маъмуриятчилик қилиш йўлига ўтадилар, колхозчиларнинг, совхоз ходимларининг, қишлоқ мутахассисларининг фикрлари билан ҳисоблашмайдилар.

Хўжаликнинг ишига бир томонлама, масалан, айтайлик, шу вақтгача кўп учраб келгани каби гўшт етиштирилишигагина қараб баҳо бериш ярамайди. Бунда мазкур хўжаликнинг бошқа маҳсулот турларини етиштириш учун ихтисослаштирилиши эътиборга олинмаган эди. Планларни жойларга етказганда баъзан ишлаб чиқаришни концентрациялаш ўрнига, айрим жойларда топшириқлар маҳсулотнинг ҳамма турлари бўйича барча хўжаликлар ўртасида юзаки тақсимлаб берилган эди. Бу эса меҳнат унумдорлигини ўстиришга ва маҳсулотнинг таннархини камайтиришга асло ёрдам бермаган эди, ишимизга зарар етказган эди.

Кейинги йилларда агротехника, экин майдонларининг структураси, чорва молларни асраш масалалари юзасидан ва бошқа бир қанча масалалар юзасидан пухта ўйланмаган кўпгина шаблон тавсиялар ва масъулиятни сезмаган ҳолда кўрсатмалар берилган эди. Партия қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилишдаги ана шу камчиликларни қатъият билан бартараф қилмоқда, қишлоқ меҳнаткашларининг ижодий ташаббусини қўллаб-қувватламоқда, колхоз ва совхозларнинг жамоат ишлаб чиқаришини ташкил этиш ва планлаштиришда уларга сўзда эмас, балки амалда катта ҳуқуқлар беришни ўз олдига вазифа қилиб қўймоқда.

Буйруқбозлик, маъмурлиятчилик қилиш эмас, балки ташаббусни ҳар томонлама ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш, Коммунистик партия, Совет ҳукумати томонидан қишлоқ хўжалиги олдига қўйилган катта вазифаларни ҳал этишнинг тўғри йўлларини белгилашда деҳқонлар ва чорвадорларга ёрдам бериш — муваффақият қозонишнинг гаровидир.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни планлаштиришнинг асосий принципларини, колхозлар ва колхозчиларнинг давлат билан тузилган шартнома мажбуриятларига қаттиқ риоя қилишлари ҳаётий зарур нарса эканлигини қишлоқдаги барча меҳнаткашларга чуқур тушунтириб бериш — партия ташкилотларининг бурчидир. Моддий стимуллар билан бир қаторда маънавий стимуллардан ҳам тўла фойдаланиб, кишиларнинг онглилигини ўстириш, уларни умумхалқ манфаатларини чуқур тушуниш руҳида тарбиялаш лозим. Ўз планларида ва бу планларни бажариш соҳасидаги амалий ишларида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни узлуксиз кўпайтириш ва бу маҳсулотларни давлатга сотиш учун имкониятларни оқилона ҳисобга олаётган ва бу имкониятлардан фойдаланаётган хўжаликларнинг ишини кенг оммалаштириш лозим.

Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари олдида катта ва мураккаб вазифалар турибди.

Фермаларда чорва қишловини муваффақиятли ўтказиш, ем-хашакдан тўғри ва рационал фойдаланиш, чорва моллар парваришини намунали уюштириш, молларни, хусусан ёш моллари сақлаб қолиш, жамоат чорвачилиги маҳсулдорлигини оширишни таъминлаш, чорвачилик маҳсулотининг ҳар бир турини давлатга сотиш планларини сўзсиз бажариш ғоят муҳимдир. Бу масалалар колхоз ва совхоз партия ташкилотларининг диққат марказида туриши керак.

Бу йилги баҳор 1965 йил ишлаб чиқариш планини амалга ошириш учун курашнинг биринчи босқичи бўлади. Дала ишлари бошланиши олдидан пухта тайёргарлик кўриш — уруғларни тозалаш ва текшириш, ўғитларни кўпроқ жамғариб қўйиш, кишиларга илғор иш технологиясини ўргатиш лозим. Механизатор кадрларни тайёрлашга алоҳида эътибор бериш, ҳар бир машинани сифатли ремонт қилиш, уни моҳир кишилар қўлига топшириш керак. «Сельхозтехника» мутахассислари бу соҳада кўп иш қила оладилар ва қилишлари керак.

Қишлоқнинг заказларини бажараётган саноат корхоналарининг ходимлари кўкламга тайёргарлик кўришда колхоз ва совхозларга катта ёрдам кўрсатишлари керак. Техникани, запас қисмларни, минерал ўғитларни, химикатларни, нефть маҳсулотларини, ҳуллас кўкламдаги дала ишларининг долзарб кунларида талаб этиладиган ҳамма нарсани ўз вақтида етказиб бериш уларнинг бурчидир. Экиш ишларини намунали ўтказиш мўл ҳосил етиштиришнинг, жамоат чорвачилигини янада ривожлантиришнинг, давлат планларини муваффақиятли бажаришнинг мустаҳкам негизидир.

Қишлоқ хўжалигини бутун чоралар билан юксалтириш, маҳсулот етиштириш ва тайёрлашни янада ошира бориш — биринчи даражали муҳим вазифадир. Партия ва совет ташкилотлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари ҳамда мутахассислари, қишлоқ хўжалиги барча меҳнаткашларининг асосий эътибори шунга қаратилиши лозим.

(6 январь).

Узбекистон трактор-йиғув заводи коллективи қўли билан тайёрланаётган турна қатор агрегатлар деҳқонларга мададкор бўлмоқда. Бу машиналарни яратишда асбобсозлик цехи илғор ишчиси Раҳматулла Турдиевнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. У барча операцияларни тез ва сифатли бажармоқда. Суратда: ўртоқ Р. Турдиев иш устида.

А. Тўраев фотоси.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

КОЛЛЕКТИВ — МУРАББИЙ

Николай бюродан жуда мулзам бўлиб чиқди. Ичига чироқ ёқса ёрмайди. Ҳатто, сокин кўчанинг иккн бетидаги баланд темир-бетон устунларда тунни сутдек ёритиб турган лампалар ҳам хира ёнаётгандек. Хаёллар гирдобида маст кишилардек қадам ташлаб боради. Шунда, нимадир бирдан эсига келгандек бўлди-ю, оёқлари ўша томонга — буфетга тортди. Бюро мажлисида бўлган кўнгилсиз гаплар, аччиқ-аччиқ таъна ва танқидларнинг алами бир стакан ароқ билан даф бўлаётгандек туюларди унга.

Мана, қаршисида яна ўша пиво бочкаларининг ҳиди анқиб турган кўримсиз, пастак бино. Ҳозир бир стаканни тўлдириб ютади-ю, кўнгли бироз ёришади. Қандайдир ғайри-табиий бир куч унга «ич-ич» дейди. Бақбақалари осилиб кетган семиз буфетчи прилавка остидан яримта «Московское»ни олар экан:

— Қанча қуяй? — Николайнинг авзойига бир тикилиб олгач, давом этди, — хафароқ кўринасан, пулинг йўқми, майли, маошдан берарсан.

Николай буфетчи узатаётган стаканга қўл чўзар экан, бирдан сесканиб кетди.

— Йўқ, ичмайман, — деди у қатъий қилиб, — бир пачка «Беломорканал» беринг?

...Николай цех партия бюроси мажлисида бўлган гапларни хотинига ҳам айтмай кроватга чўзилди Устма-уст папирос тутатди. Бюрода ўзининг шаънига айтилган танқидларни эсидан чиқармоқчи бўларди-ю, аммо кишиларнинг ташвишли чеҳралари, жон қуйдириб айтган гаплари уни чақиб-чақиб оларди.

Айниқса Владимир Мартиновнинг сўзлари унга алам қиларди. «Мен ким-у, у ким. У оддий слесарь, қўлимда ишлайди. Смена бошлиғиман, олий маълумотли инженер бўла туриб слесардан шунча гапларни эшитсам. Қумри Қўчқоровани айтмайсизми? Худди қайнонамдек насиҳат қилади-я» — бетоқат бўларди Николай. «Обрўйимнинг коллектив олдида шу қадар тушиб кетганлигига қуриб кетгур ичкилик сабаб. Энди ҳеч оғзимга олмаганим бўлсин» қарор қилди у.

Эрталаб анча мусаффо бўлиб ўрнидан турди. Муздек сувга юз-қўлларини ювиб, икки стакан қайноқ кофени босиб-босиб ичди-да, заводга йўл олди. Йўл-йўлакай кечагина бюро мажлисида койиган кишилар билан қандай кўришиш мумкинлиги, уларнинг юзларига қайси кўз билан қарашни ўйлай кетди.

Кечагина еб юборгудек бўлиб танқид қилган Владимир ҳам, Қумри ҳам гўё ҳеч нима бўлмагандек саммимий кўришишди...

— Ўша бюродан бери мана уч ойдан ортиқроқ вақт ўтди, — дейди цех партия бюросининг секретари Михаил Данилович Бондарев, — Николай ичкиликни ташлади. Оилавий турмуши ҳам анча яхшиланди. Тунови куни хотини келиб уни тарбия қилиб олган коммунистлардан миннатдор эканлигини айтди. Ҳозир Николай Журавлевнинг сменаси яхши ишлаяпти.

«Ташсельмаш» заводининг заготовка тайёрлаш ва пресслаш цехи партия ташкилоти ҳақиқий тарбия мактабига айланиб қолган. Цех партия ташкилотининг кишиларни коммунистик руҳда тарбиялаш юзасидан қилаётган ишларидан бу бир шингил, холос. Партия ташкилоти цехда коммунистчасига ишлаш ва яшаш принципини изчиллик билан амалга ошираётир. Цехда ишлаётган 600 кишининг ярмидан ортиғи ўқийди. Партия бюроси бу снёсий маориф ўқуви йилида учта тўғарак ташкил этди. Шуларнинг бири коммунистик меҳнат мактабидир. Бу тўғракларда машғулотларни смена бошлиқлари олиб боришади.

Коммунист И. Морозов бошчилигидаги агитколлективда 15 киши бор. Цех лекторлари тез-тез лекциялар, суҳбатлар ўтказиб турадилар.

Цехда чиқадиган «Пресс», «Комсомол прожектори» ва бошқа кўплаб жанговар варақаларда илғорлар мақталиб, қолоқлар ўткир танқид остига олинади.

Партия-давлат контролига кўмаклашувчи пост, ўртоқлик суди кишиларни коммунистик ахлоқ руҳида тарбиялашда цех партия ташкилотига яқиндан ёрдам бериб турибди.

— Цехимиз коллективи келажак разведкачилари номини олиш учун курашаётир, — дейди Михаил Данилович, — биз планларни юз фоиз бажариш билангина кифояланиб қолмаслигимиз керак. Ҳар бир ишчини, инженер-техник ходимни ишда ҳам, юриш-туришда ҳам, оилада ҳам барчага ўрнак бўлишини таъминлашимиз керак.

Ҳа, цехнинг Анвар Саидов, Қумри Қўчқорова, Адҳам Қосимов, Владимир Мартинов, Ҳамид Зайнуддинов каби жонкуяр коммунистлари бор экан, коллектив ҳар қандай ишни муваффақиятли ҳал қила олади.

Ш. ҚОСИМОВ.

РЕНТАБЕЛЛИК УЧУН

Партия ва ҳукуматимиз аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ишини бутун чоралар билан яхшилашга катта аҳамият бериб келмоқда. Етти йилликни сўнгги йиллари ичида биргина областимизнинг ўзида бир неча тикувчилик, пойафзал ва бошқа маиший хизмат кўрсатиш объектлари янгидан қурилди. Хизмат кўрсатиш хиллари оширилди ва сифати яхшиланди.

Лекин шуни очиқ эътироф этиш керакки, бизда ҳали ҳам бир мири фойда, деб уч мири зиён кўраётган цех ва участкалар оз эмас. Фойдадан кўра кўпроқ зарар кўраётган баъзи модалар ателъеси ва якка тартибдаги тикувчилик устахоналаринин рентабель ишлашини таъминлаш катта хўжалик аҳамиятига эгадир, Масалан, якка тартибда кийим тикувчи устахоналар 1963 йили қарийб 23 миг сўм зарар кўрган бўлса 1964 йилда кўрган зарари қарийб 40 минг сўмни ташкил қилди. Оҳангарон маиший хизмат кўрсатиш комбинати 1964 йили 6 минг сўм, Бекобод ва Янгийўл маиший хизмат кўрсатиш комбинатлари эса 10 минг сўмга яқин маблағни қўлдан бой берди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархининг қимматлашиб кетиши, ўринсиз харажатлар ва планда кўрсатилмаган нобудгарчиликлар натижасида Оҳангарон шаҳар маиший хизмат кўрсатиш комбинати жамғарма тўплаш планини 50 минг сўм, Бекобод шаҳар маиший хизмат кўрсатиш комбинати 17,5 минг сўм, Янгийўл комбинати эса 41 минг сўм кам бажарди.

Хўш, нима учун бу комбинатлар бунчалик кўп зиён кўряпти. Уларнинг рентабель ишлашини таъминлаш учун нима қилиш керак.

Бу саволга жавоб бериш учун аввало шу комбинатларга қарашли модалар ателъеси ва якка тартибдаги кийим тикиш устахоналари ишини бир кўздан кечирайлик. Устахоналарда меҳнат жуда ёмон ташкил қилинган. Ҳаттоки кўпгина иш процесслари ҳалигача қўлда бажариб келинади. Бундан ташқари, устахоналардаги ҳар бир мастер бир неча операцияларни иборат бўлган ишни бошидан охиригача ўзи бажариб келади. Лекин у ҳар бир процессни бирдек аъло даражада бажара олмайди. Бу табиий. Натижада нима бўлади? Тайёрланган маҳсулот сифатли чиқмайди. Кўплаб нобудгарчиликларга йўл қўйилади.

Кейинги қисқа муддат ичида орттирилган тажриба шуни кўрсатдики, бундай цех ва участкаларда ишни бригада системаси асосида ташкил этиш, маҳсулот сифатини яхшилаш билан бирга корхонани рентабель ишлашини таъминлашга ёрдам беради. Чуки, бажарилган ҳар бир иш операцияси сифати учун мастерларнинг масъулияти ошади.

Шунингдек устахоналарни янги замонавий техника билан жиҳозлаш, майда-чуйда цехларни йириклаштириш лозим. Булар аҳолига маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини камайтиришнинг асосий шартидир.

Лекин баъзи маиший хизмат кўрсатиш корхоналар раҳбарлари бу прогрессив метод моҳиятига ҳали ҳам етарли тушунишмаяпти. Асоссиз баҳоналарни рўкач қилиб, уни кенг жорий қилишни орқага судрашмоқда. Область маиший хизмат кўрсатиш бошқармасига қарашли 4 та комбинатда меҳнат бригада методи асосида ташкил қилинган, холос. Бир қанча шаҳар ва район маиший хизмат кўрсатиш комбинатлари эса ҳалигача бу методни қўллаётирлар. Аҳволнинг шундай ачинарли экаплигига қарамай, область маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси ва район раҳбарлари бу масалага жиддий эътибор беришмаяпти.

Улар бу камчиликларни тезда бартараф этишлари ва маиший хизм

Ўрта Чирчиқ районидаги «Тошкент» наслчилик совхози механизаторлари шу долзарб кунларда бир гайратга ўн гайрат қўшиб меҳнат қилишяпти. Экин майдонлари зудлик билан чуқур ҳайдалмоқда. Суратда: моҳир тракторчи Борис Торошин Куйбишев номли бўлимда ер ағдармоқда.

А. Абалян фотоси.

КАПИТАЛ ҚУРИЛИШИ—МАСАЛАЛАР МАСАЛАСИ

ЗАКАЗЧИ ВА ПУДРАТЧИ

Етти йилликнинг сўнгги йилига қадам қўйдик. Одатда киши шундай пайтда босиб ўтган ўз йўлига бир назар ташлайди. Шунда ютуқлари ҳам, камчиликлари ҳам унинг кўз ўнгида намоён бўлади. Келажакда ана шунга қараб ҳаракат қилади, яхшисини кўпайтиради, ёмонини эса йўқотади.

Ўтган йилни коллективимиз зафарлар билан якунлади. Йил давомида 19,7 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажариб, белгиланган маррани муддатидан ярим ой илгари забт этдик. Қатор турар-жойлар, янги массивлар, саноат объектлари ва маданий-маиший бинолар бунёд этилди. Техникадан унумли фойдаланганлигимиз эвазига сўнгги икки йил давомида меҳнат унумдорлиги 19 процентга ошди. Социалистик мусобақа ишимиз сифатига қанот боғлади.

Бинокорларнинг шижоатли меҳнати туфайли Чирчиқ электрохимия комбинатида Ўрта Осиёда ягона ҳисобланган карбамид ишлаб чиқариш комплекси муддатидан олдин қўлдан чиқди. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг табрик ҳатида шу қурилишда жонбозлик кўрсатган азаматларнинг номлари бир-бир ҳурмат билан тилга олинди. Ўзбекистон ўтга чидамли металлар ва қаттиқ қотишмалар комбинати ҳам янги цех ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтирди. Бу ерда қад кўтарган 5-цех ҳам белгиланган муддатдан анча олдин фойдаланишга шай бўлди.

Эришган бу ютуқларимизнинг сири, аввало, заказчилар билан ҳамкорликда меҳнат қилганлигимиз эвазига бўлди. Заказчи ва пудратчи келишиб ишлаган, гайрат қилган участкаларда иш доимо жадал суръатлар билан борди. Лекин айрим заказчилар бинокорларни ранжитишди. Вақтида ускуналар билан таъминлашмади, қурилиш ҳужжатларини қўлимизга жуда ҳам кеч топширишди. Натижада «Чирчиксельмаш», «Ўзбекхиммаш» каби бир қатор корхоналарда объектлар ўз вақтида фойдаланишга топширилмай қолди.

Аввало лойиҳачиларга ўз эътирозларимизни билдирмоқчимиз. Кўпгина лойиҳа-смета ҳужжатлари қурилиш давомида тез-тез ўзгариб турди. Бу албатта бинокорлар қўлини ҳам ушлайди. Азот саноати Давлат институтининг Чирчиқ филиали лойиҳачилари қурилиш территориясини тайёрлаш билан боғлиқ бўлган кўпгина масалаларни очиришга етказмайдилар. Катализатор фабрикаси объектида, селитрани доналаштириб берувчи купора бўлими, аммиак ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида корпуслар қурилишида ана шундай ҳол рўй берди.

Масалан, Азот саноати Давлат институти лабораторияси учун саккиз метр чуқурликда пойдевор қазилди. Бажарилган иш бутун бино таннархининг 20 процентини ташкил этди. Бунинг нормаль ҳол деб бўлмайди. Шу институт катализатори қурилишида газ тармоқлари лойиҳаси уч марта бузилиб, уч марта қайта тўғриланди. Мана, шулар натижасида қурилиш таннархи сезиларли даражада ошяпти. Лойиҳачилар ишни бошидан пухта қилганларида эди, қурилиш суръатига суръат қўшилган, таннархи анча арзонлашган бўлар эди.

Кўпгина кишилар бинокорлар ишининг сифатсизлигидан нолийдилар. Лекин бу муаммони ҳал этиш, фақат аъло сифатли бинолар бунёд этиш биргина бизнинг қўлимизда эмас. Қурилиш материаллари ва бошқа асбоб-ускуналар етказиб берадиган корхоналар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар сифатини қониқарли деб бўлмайди. Чирчиқдаги қурилиш материаллари комбинати цехларидан чиқаётган йиғма темир-бетонлар сифати ғоят паст. Уларнинг гемометрик шакли, устки қисми доимо қониқарсиз чиқади. Дурадгорлик ишлари сифати янада ёмон. Керамзит-бетондан тайёрланаётган панеллар ҳам кўпга чидамайди. Комбинатдаги айрим участкалар биздан кетгунча қабилида иш юритишаяпти. Бу ҳолга тезда барҳам бериш керак. 2, 9-гишт заводлари маҳсулотлари ҳам яхши эмас. Уларга сув тегмасдан синиб кетади, яхши пишмаган бўлади.

Сифат учун кураш ҳамманинг иши. Маҳсулот етказиб берувчи ҳам, уни ишлатувчи ҳам, заказчи ҳам бунинг учун тинмай кураши керак. Битган бинолардан фойдаланишда ҳам гап бор. Биз айниқса бултурдан бери ишнинг сифатига алоҳида эътибор бераяпмиз. 1964 йилда шу масала бўйича қатор ташкилий-техникавий тадбирлар ишлаб чиқилди. Бош технолог бўлими иши қайтадан ташкил этилди. Сўнг очиқ партия мажлисимизда бу масала яна коммунистлар эътиборига ҳавола қилинди. Трестимиз коммунистлари, ишлаб чиқариш илғорлари ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар. Шу асосда ишчилар, бригада бошлиқлари, инженер-техник ходимларимиз тажриба алмашиш учун Минск, Магнитагорск, Тошкент, Фарғона бинокорлари ҳузурига бордилар, ҳамкасбларидан кўп нарса ўрганиб қайтишди. Тошкентга келган москвалик ва ленинградлик мутахассисларни трестимизга таклиф этдик. Улар ҳам яхши-яхши маслаҳатлар беришди. Натижада ўтган йили «яхши» ва «аъло» баҳолар билан қабул қилиб олинган объектлар сони анча кўпайди. Бу йил ҳам шу йўналишда боравермиз.

Етти йилликнинг сўнгги йили учун зиммага олган мажбуриятимиз ғоят улкан ва масъулиятли. Бу йил 23 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажаришимиз лозим. Бу ўтган йилгидан 20 процентча кўп демакдир. Биргина Ўзбекистон ўтга чидамли металлар ва қаттиқ қотишмалар комбинатида бажарадиган ишларимиз ҳажми ўтган йилдагига нисбатан икки марта ошган. Электрохимия комбинатида, «Чирчиксельмаш», «Ўзбекхиммаш» заводларида ҳам катта-катта ишларни амалга ошириш мўлжалланган. Чирчиқда турар-жой бинолари қуриш ҳам кенг қулоч ёзади. Бу улкан вазифаларни бекамиқўст бажариш қўли гул бинокорларимиз зиммасига юкланган. Лойиҳачилар ва заказчилар биз билан доимо ҳамкорликда ишлашса, бу вазифаларни шараф билан адо этиш коллективимиз учун ҳеч гап эмас. Иноқ бўлсак, бу йил ҳам юзимиз ёруғ бўлади. Эл-юрт раҳматини эштамиз. Шунинг учун бир ёқадан бош чиқариб, йил бошиданоқ ғайрат билан меҳнат қилаётирмиз.

А. АБДУҲАМИДОВ,
Чирчиқдаги 160-қурилиш трести бошқарувчиси.

ОЛИМЛАР МАСЛАҲАТЛАШИБ ОЛИШДИ

Сабзавот, картошка ва полиз экинлари илмий-текшириш институтининг коллективи янги йилдаги ўз ишини янги куч ва янги ғайрат билан бошлаб юборди. Лабораторияларда навбатдаги эксперимент тадқиқотларининг планлари ишлаб чиқилмоқда. Бу ерда меҳнат қилаётган кишиларнинг диққат маркази битта муҳим масалага — у ҳам бўлса шаҳар ва қишлоқларимизнинг меҳнаткашлари учун мўл ва арзон сабзавот, картошка, полиз экинлари маҳсулотлари етиштиришни таъминлашга қаратилган.

Яқинда институт олимлари ана шу олдинда турган муҳим вазифаларни қандай йўл билан бажариш, уларни ҳаётга татбиқ этиш учун қандай имкониятлардан фойдаланиш кераклиги тўғрисида батафсил маслаҳатлашиб олдилар. Олимлар давраларидаги суҳбатни институт директори, қишлоқ хўжалиги фанлари кандидати Ўртоқ Турғун Мўминов бошлаб берди:

— Сабзавотчиликда ҳали фойдаланилмаётган резервлар анча-мунча топилади. Бу йилдан бошлаб институт республикамизнинг жанубий районларида катта тадқиқот ишлари олиб боради. Бу бечиз эмас албатта. Нега деганда, Термиз билан Денов районларида парниклар-сиз энг эртапишар сабзавотлар ва энг арзон кўчатлар етиштиришга қулай имкониятлар бор. Агар шу имкониятдан фойдаланса, бизда сабзавотчилик мавсуми май ойиданоқ бошланади. Бу муддат илгариги муддатдан 30—40 кун барвақт бўлади.

Институт директорининг илмий ишлар бўйича муовини ўртоқ Виктор Ёрмохин бир пайкалнинг ўзида бир мавсумда икки-уч марта сабзавот ва картошка ҳосили етиштириш тўғрисида гапирди. Унинг айтишича, совуқ кунлар бошлангунига қадар тезпишар экинлардан икки хилини бир пайкалнинг ўзига экиб ўстириш ва ундан мўлжалдаги ҳосилни олиш мумкин. Бу нарсани Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган агроном Абдураҳмон Каримов тажрибада яққол исботлади. У экилган карам кўчатларининг оралиқларига помидор ёки бодринг ҳам экади. Қариб 40 кун давомида ўша бир пайкалнинг ўзида икки хил экин бир-бирига ҳалал бермай ривожланаверади. Шунисн қизиқки, бу экиларнинг ҳаммасидан жуда мўл ҳосил олинади. Шундай экан, мазкур тажрибани колхоз, совхозларга кенг жорий этсак ёмон бўлмайди.

Даврага йиғилганлар халқ селекционери ўртоқ Карим Юсуповнинг сўзларини зўр қизиқиш билан тингладилар. Бу одам помидорнинг янги серҳосил навини яратган.

— Серқуёш Ўзбекистонимизнинг ажойиб ерида битган помидорлар Тула, Ростов, Краснодар ва ҳатто Владивосток сабзавоткорларининг ҳавасини келтирибди, — деди у,— мамлакатимизнинг деярлик ҳамма чеккаларидан бизга хатлар келяпти. Олимлар ва тажрибали сабзавоткорлар ўз хатларида ўзбек помидорларининг уруғидан юборишни илтимос қилишяпти. Уларга кўплаб серҳосил уруғлар етказиб бериш ҳам бизнинг бу йилги муҳим вазифаларимиз жумласига киради.

Олимлар суҳбати кабинетдан институтнинг парник-теплица хўжалигига кўчирилди. Бу ердаги янгиликлар ҳам озмунча эмас. Хўжаликда «иссиқ» парниклар қурилган бўлиб, улар гўнг солинадиган парниклардан мутлақо фарқ қилади. Бу парниклар тупроқ йўқ. Кўчатлар шоли шелухасида плёнка остида ўстирилади. Бу янгиликни ҳам хўжаликларга кенг жорий этиш лозимлиги айтиб ўтилди.

Гапнинг лўндасини айтганда, институтнинг ижодий коллективи меҳнаткашлар дастурхонига мўл-кўл сабзавот, картошка ва полиз экинлари маҳсулотлари етказиб бераётган азамат деҳқонларимизнинг ишида янада қулайликлар яратиш учун курашяпти.

И. СКВОРЦОВ.

ЗАМОН САДОСИНИ ЯНГРАТАЙЛИК

(ҲАВАСКОРЛАРНИНГ ШЕЪРЛАРИГА ОБЗОР)

<> <>

Ҳаётимизнинг ҳар бир куни халқимиз буюк яратувчилик меҳнатининг шавқ-завқи ва шуҳрат-шони билан, фан-техникамиз янгиликлари ҳамда шарафли меҳнатимизнинг тенгсиз ғалабалари билан жило топиб, тобора кўркам бўлиб бормоқда.

Шу фаровон ҳаёт, шу шарафли меҳнат меваси — буюк ўзгаришлар ҳамма-ҳаммаси кишиларимиз руҳини шод этиб, қалбларга зўр меҳр ва битмас-туганмас илҳом бахш этаяпти. Шоирларимиз зўр руҳий кўтаринкилик билан ажойиб шеър, достон ва поэмалар яратишаяпти. Бу борада қалби олов, руҳи тийран, янгиликлар изловчи, турли мавзўларда кенг фикр юритишга интилаётган ёш қаламкашлар ҳам тинмай ижод қилишаяпти. Буни ҳар куни редакциямизга келаётган хатлар оқимидан яқол кўрамиз. Хатларнинг кўпчилик қисмини республикамиз ва областимиз меҳнаткашларининг қўлга киритаётган катта ғалабалари, диёримиз ҳусни-жамоли, меҳнат ва муҳаббат тароналарга бағишланган ҳаваскор шоирларнинг илк машқий шеърлари ташкил қилади.

Она-Ватан! Ким ўзи туғилиб ўсган азиз диёрини севиб эъзозламайди. Унинг кундан-кун равнақ топиб, ҳуснига-ҳуси қўшилишидан кимларнинг боши кўкка етиб, қувончлари қалб денгизининг қирғоқларидан ошмайди.

Мен азиз инсонман, илк бор кўз очиб
Кўрганман яшнаган бу ҳур диёрни.
Қувончим чексиздир, чунки
кўрмадим
Қоронгу дунёни, нолаю-зорни.

Юқоридаги мисралар янгийўлдлик ишчи-ҳаваскор **Суннат Ахмедов**нинг «Бахтим борки» сарлавҳали шеъридан олинди. Ёш қаламкаш мазкур шеърида унчалик катта фалсафий гап айтолмаган бўлса ҳам ўз қалб ҳароратини, юртига бўлган меҳр-садоқатини шеърий сатрларда содда қилиб ифодалашга ҳаракат қилган.

Диёр мавзуи жуда кенг, ранг-баранг ва кўпқирралидир. Дарҳақиқат, ҳаваскорларнинг қалб дафтарларини варақлар экансиз, буни яққол сезиб оласиз. Дарвоқе, яқиндагина жонажон диёримизнинг 40 йиллик юбилейини зўр тантаналар билан нишонладик. Ана шу катта воқеа ҳам ҳаваскорларимизнинг илҳомига-илҳом, қалбига жўшқинлик бахш этди. Улар она ерга ўзларининг чин фарзандлик садоқатларини, меҳру ихлосларини, шодлик мадҳияларини бағишлаб шеърлар ёзишди. Ёш қаламкашлардан **А. Алимов**нинг (Бўка) «Тўёна», **Э. Қодиров**нинг (Бекобод) «Олтин водий» ва «План тўлди — тўёна бўлди», **Х. Эгамбердиев**нинг (Тошкент) «Ўзбекистон», **Фами Ниёз**нинг (Тошкент) «Байрамингиз муборак», **С. Абдумўминов**нинг (Бўка) «Тўй муборак. Ўзбекистоним», **Маҳмуд Нуриён**нинг (Тошкент) «Ўзбекистонга», **Э. Исҳоқов**нинг (Юқори Чирчиқ) «Ўлкам», **Т. Маматқулов**нинг (Бўка) «Ўзбекистон», **Р. Тошмуродов**нинг (Оҳангарон) «Ўзбекистоним», **М. Нодиров**нинг (Тошкент) «Ватан» сарлавҳали шеърлари шулар жумласидандир. Юқорида номлари зикр этилган ёш ҳаваскорларнинг қалб даъватлари — шу шеърларда қалб эҳтироси унчалик жўшқин, чуқур мазмунли ва бадиий кучли ифодаланмаган бўлса-да, лекин ҳар бирида бироз бўлсада фикрий бадиий ифодалашда оригиналликка интилганлик ҳоллари сезилади.

Ўтган йилги кузимиз чинакам олтин куз бўлди. Республикамиз меҳнаткашларининг зўр ғайрат-шижоат кўрсатиб қилган меҳнатларининг натижаси шарафли бўлди, ҳар бир соҳа бўйича катта ғалабалар қўлга киритилди. «Оқ олтин» миришкорларининг кўрсатган жонбозликлари айниқса юксак натижалар берди. Областимиз, республикамиз пахта тайёрлаш давлат планларини муддатидан олдин мисли кўрилмаган кўрсаткичлар билан бажарди. Бу улкан воқеа ёш ижодкорлар қалбини тўлқинлантирди, битмас-туганмас илҳом бахш этди. Шу катта воқеа — чинакам илҳом чашмасидан бахра олган оққўрғонлик **М. Телеуханов** «Муборак», бўкалик **А. Пўлканов** ва **Х. Норматовлар** «Яхши», «Ғалаба билан», тошкентлик **С. Яхин** «Пахтакор дўстимга», товоқсойлик **К. Исманов** «Механизатор қизга», андижонлик **Қ. Тешабоев** «Андижон саломи», тошкентлик **Р. Еқубов** «Гўзал Андижон» сарлавҳали шеърлар ёзиб юборишган. Шубҳасиз, мазкур авторларнинг бу шеърларида дурст фикрлар, чиройли иборалар, тасвир, сифатлаш, ўхшатишлар бор.

Ижодкор учун ҳаёт катта бир мавзу. Лекин ҳар ким унинг янги-янги томонларини, қирраларини куради, идрок қилади, қалам юритади. Ватан, инсон, садоқат, меҳр-муҳаббат мавзулари абадий ўлмас илҳом манбаидир. Бу ҳақда илгари қалам юритган шоирлар ҳам, ҳозирги қаламкашлар ҳам ажойиб асарлар яратишган, ёзишаяпти. Улар бири-биридан ғўзал, бири-биридан завқли, лекин бири-бирини такрорламайди. Бу қолин афсус, кўпчилик ҳаваскорларимизда учрата олмаймиз.

Масалан: севги, муҳаббат, меҳр-садоқат мавзуида шеър ёзиб юборишган айрим ёшларнинг шеърларини олиб кўрайлик:

Қоққорадир қошларинг,
Лабларингда болларинг,
Менинг ақлимни олди,
Сенинг ҳар боқишларинг.
(Оққўрғонлик **Н. Жиянбоев**нинг «Ерга мактуб» шеъридан).

Севгимни англатай жоним, ўзингга
Самарқандан келдим ширин
сўзингга.
Жоним ўзинг тоза гулимсан
Бу жонимга пайванд дилимсан.
(Тошкентлик **Я. Нормуродов**нинг «Севгилим, сенга» шеъридан).

Қачон сени кўчангдан ўтсам
Кўнглим хушвақт бўлади шунда,
Севинаман ай, қимматли қиз
Деразангдан қарасанг кунда.
(Калининлик **Р. Абдувалиев**нинг «Тўртлик»ларидан).

Мана шу юқоридаги мисралардан кўриниб турибдики, ҳали кўпчилик ҳаваскорлар шеъриятга чин дилдан, юрак ҳарорати билан ёндошмаяптилар. Улар шундай машаққатли, лекин шарафли ишни чуқур хис этмаётганга ўхшайдилар. Поэзия, шеър ёзиш катта ижодий меҳнат талаб қиладиган соҳа эканлигини англаб етмаяптилар.

Янгийўллик **М. Махаматов** поэзияга жуда қизиқади. ёзиб туради. Ўзининг «Иқрор бўлдим», «Ватаним», «Севмасдан», «Яшна жаҳонда бутқул», «Зўравон» сарлавҳали шеърларини редакцияга ҳавола қилган. Шубҳасиз унинг шеърларида дурст мисралар ҳам учрайди. Лекин, умуман бу ўртоқда ҳам масалага енгилгина ёндошиш, чуқур ва атрофлича фикр юритмаслик, унча аҳамиятли бўлмаган воқеаларни ҳам «шеъ»ларга айлантириб юбориш ҳоллари кўринади. Худди шунингдек камчиликлар тошкентлик **Ф. Отабоев**нинг «Тўртликлар»ига ҳам **А. Тўхтасинов**нинг «Орзум», «Даф бўлинг» сарлавҳали шеърларига ҳам мансубдир.

Яхши шеър юракдан туғилади, севиб ўқилади, қўлдан-қўлга ўтиб, тилдан-тилга кўчади ва у замон садоси бўлиб жаранглайди. Ёш ҳаваскор шоирлар ҳам ана шундай замон садосига жўр бўлувчи яхши шеърларни кўплаб ёзишларини истаймиз.

ҲАМОН ЎЛДА—ЖЎЛДА

Мақолага илова қилинган пастдаги суратга бир қаранг-а! Бино ҳали қуриб битказилмасданоқ бузилиб-ёрилиб ётибди. Унинг ичига кирсангиз бундан ҳам бешбаттар манзарага дуч келасиз. Уюмуюм пишиқ ғиштлар ёмғир, қор тагида қолиб кетган. Деразаларга ўрнатилган ромлар кўчириб олинган. Деворлардаги ғиштлар кўчиб кетган.

Бино битай деб қолган эди. Аммо, нима бўлди-ю, қирғига чидаб қирқбирига келганда ҳе йўқ, бе йўқ, қурилиш бирдан тўхтаб қолди.

Бу ҳол кўпчиликни ажаблантирди. Баъзилар «Қурилиш материаллари етишмай қолгандир» деб ўйлашди. Аслида эса Тошкент шаҳар ижроия комитети капитал қурилиш бошқармасидаги ўртоқлар аҳволни кўра-била туриб қурилишни тўхтатиб қўйишган эди.

Келинг, қурилиш «тарихи»дан бир-икки шингил эштинг. Сизга айтсак, «қад» кўтараётган объект мактаб биноси. Унинг пойдевори қурилганига мана уч йил бўлиб қолди.

— Жуда соз бўлди-да, — дейишди Куйбишев районининг Прогрессив кўчасида янги мактаб қурила бошлаганини кўрган шу атрофда яшовчи ота-оналар. — Энди болаларимиз узоқ йўл босиб, қўшни мактабга бориб ўтиришмайди. Шундай ёнгинамизда ўқишади.

Афсуски, бу қувонч узоққа чўзилмади. Тез қад кўтарган бино битказилмай чала ҳолича қолиб кетди.

Район жамоатчилиги бу масала билан қизиқди.

— Ҳозирча қурилиш тўхтаб туради, — деб жавоб қилди капитал қурилиш бошқармасининг бошлиғи Черепанов. — Лозим бўлиб қолса, ишни яна бошлаб юборамиз.

...Орадан бир-икки ойча вақт ўтди. Куйбишев район халқ маорифи бўлимида телефон жиринглаб қолди. Трубкани район халқ маорифи бўлимининг мудири ўртоқ Г. В. Томатирот олди. Телефон капитал қурилиш бошқармасидан қилинаётган эди.

— Қурилиш бошланадиган бўлиб қолди. Янги мактаб учун ажратилган барча парта ва ўқув қуроллари шу бир ҳафта ичида мактабга олиб келиниши керак.

— Бироз сабр қилайлик, жила бўлмаса бинонинг томи ёпилсин. Олиб келишимиз қочмайди, — деди район халқ маорифи бўлимининг мудири.

— Мактаб, албатта, шу йил ишга тушади. Бўёғидан кўнглингиз тўқ бўлсин. Аммо ўқув қуроллари ўз вақтида олиниши шарт.

Бу сафар ҳам бошқармадагилар ўз сўзларининг устидан чиқмадилар. Мактаб ҳовлисига келтириб қўйилган парталар ёзи билан офтобда ётди. Ҳафталар кетидан ойлар ўтиб кишли-кировли кунлар ҳам етиб келди. Аммо, қурилиш объектида ҳамон сокинлик.

— Қолган ишга қор ёғар, деб шуни айтар эканларда, — дейди райондаги 55-мактабнинг ўқитувчиси И. Сергеева. — Мен янги мактаб ёнида тураман. Ҳар сафар ишга кетаётиб, қурилишдаги аянчли аҳволни кўриб юрагим ачишади. Икки йилдан бери пайсалга солиб келишади. Бу инсофданми?! Ахир, шу қурилишга қанча меҳнат, қанча материал сарф бўлган эди-ку! Қурилиш қаровсиз аҳволда. Ғишт ва тахталар неснобуд бўлиб кетяпти. Бу ҳақда ишчи-ҳаваскор **Суннат Ахмедов**нинг «Бахтим борки» сарлавҳали шеъридан олинди. Ёш қаламкаш мазкур шеърида унчалик катта фалсафий гап айтолмаган бўлса ҳам ўз қалб ҳароратини, юртига бўлган меҳр-садоқатини шеърий сатрларда содда қилиб ифодалашга ҳаракат қилган.



АТЕИСТИК ТЕМАДА

РЎЗА—ЎТМИШНИНГ ЗАРАРЛИ ОДАТИ

Барча совет кишиларида илмий дунёқарашни шакллантириш коммунизмга томон ғолибона ҳаракатимизнинг муҳим вазифаларидан биридир. Зотан совет халқи олдида турган буюк инсонлар мураффақиятли амалга ошириш кишиларнинг онглилиги, ғоявий ва илмий савиясининг юқори бўлишига боғлиқдир.

Бироқ айрим кишилар орасида хали ҳам диний эътиқодлар яшаб келмоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири баъзи кишиларимизнинг табиат ва жамият тараққиёти ҳақида зарур илмий билимларга етарли даражада эга бўлмаслигидир.

Маълумки, асрлар давомида фан тараққий қилаборишн билан диний эътиқодлар тобора орқага чекиниб, ўз мавқеини бирин-кетин илмий дунё қарашга бўшатиб беришга мажбур бўлди. Эндиликда энг илғор илмий дунёқараш — марксизм-ленинизм билан қуроллланган социалистик жамият кишилари табиат ва жамият қонуниятларини эгаллаб, уларни ижтимоий тараққиёт хизматига қўйдилар.

Дунёда жуда хилма хил диний эътиқодлар мавжуд бўлиб, уларнинг таргиботчилари ўз диний эътиқодларини энг тўғри эътиқод деб тушунтиришга ҳаракат қилиб келганлар. Ана шундай эътиқодлардан бири ислом динидир.

Ислом дини дунёга келмасдан бурун араблар ибтидоий уруғчилик муносабатлари ва табиат тўғрисидаги нотўғри тушунчаларнинг мужассами бўлган худоларга ишонганлар. VI аср охирлари ва VII аср бошларига келиб Арабистонда феодал давлати вужудга келди. Унинг маркази Макка ва Мадина бўлган. Кўп худолилик арабларнинг сиёсий ижтадан бирлашувига тўсқинлик қиларди. Муҳаммад асос солган ислом дини эса бу тўсиқни бартараф қилишда катта роль ўйнади. Жуда кўп курашлар оқибатида ислом дини араблар ҳамда бошқа халқлар ўртасида кенг тарқалди.

Ислом дини жуда кўп урф-одатлар билан боғлиқ бўлиб, улар қаторига рўза ҳам киради. Рўза исломдан анча илгари юзага келган. Табиат олдида ожиз бўлган қадимги кишилар бу одатга риоя қилиш билан турли хил экинлардан ҳосил олиш, чорвани кўпайтириш каби ишларда худолар ва жинлардан мадад сўраганлар, уларни раҳм-шафқатли бўлишга чақирганлар. Рўза рамазон ойида Арабистонда энг иссиқ вақтда тутилган. Рамазон ойида одатда озиқ-овқат запаслари тугаб, қуёш чорва учун зарур экинларни қовжиратиб юборар, хўжалик ишлари эса бироз салқин тушган вақтга — оқшом ва тунга кўчирилар эди. Араблар ёмғир сўраб худоларга илтижо этиб, бутун кун давомида овқат ейиш ва сув ичишни ўзлари учун тақиқлаб қўйганлар. Демак, рўза аввало қадимги арабларнинг хўжалик ҳаётидаги қийинчиликлар билан, табиат олдидаги ожизлик билан боғлиқ бўлган.

Ислом дини араб босқинчилари томонидан ўт ва қилич ёрдамида бошқа халқлар ўртасида ҳам тарқатилгач, рўза янги ижтимоий маъно касб этди, у феодаллар манфаати учун хизмат қила бошлади.

Араб халифалигида 622 йилдан бошлаб янги ой календари жорий қилинганидан сўнг рамазон ойи ҳар йили бундан аввалги йилдагига нисбатан ўн бир кун олдин келадиган бўлди ва оқибатда унинг хўжалик ҳаёти билан ҳеч қандай алоқаси бўлмай қолди. Қуръоннинг рамазон ойида осмондан «тушганлиги», «лайлатул қадр» («тақдир кечаси» демак) тўғрисидаги гаплар ҳам рўзанинг қадимги араблар одатидан келиб чиққанлигини яшириш мақсадини кўзда тутади.

Рўза динга ишонувчиларга, уларнинг саломатлиги ва меҳнат қобилиятига айниқса катта зарар келтиради. 30 кун давом этадиган рўзанинг ижтимоий зарари ҳам очиқ-ойдин кўриниб турибди. Бир ой давомида кундузи ҳеч қандай овқат истеъмол қилмаслик, бетоб бўлган тақдирда ҳеч қандай дори-дармон қабул қилмаслик ва ҳоказолар киши организмининг нормал ишлашига, унинг жисмоний, ақлий ва маънавий фаолиятига оғир таъсир кўрсатади. Рўза тутувчи кишининг меҳнат унумдорлиги кескин пасаяди, ишида унум бўлмайди, у тўлақонли ҳаёт кечира олмайди, нормал ишлаш, ўқиш ёки дам олишдан маҳрум бўлади. Ундан ташқари, рўза ва ҳайит кунлари руҳонийлар ўз фаолиятларини активлаштириб, динга ишонувчиларнинг онгини хурофот ва бидъатлар билан тобора кўпроқ заҳарлашга интиладилар.

Рўзанинг хурофот эканлигини ўтган асрлардаёқ Шарқнинг буюк олимлари ва шоирлари аёвсиз фош этганлар. Рўзани қоралаб, унинг зарарини қайта-қайта такрорлаган асарларни классик адабиётимизда кўп учратиш мумкин. Навоий, Муқимий, Хоразмий, Огаҳий ва бошқа буюк адиблар қатор асарларида ўзларининг рўзага салбий муносабатларини ошкора баён этиб, унинг туб моҳиятини очишга ҳаракат қилганлар. Масалан, Огаҳий «Рўза» радифли бир ғазалида бундай деб ёзади:

Табиат тўпда эрур, хотир
паришон, фикр ҳам вайрон,
Лекин одам қаторидан чиқарди
бегумон рўза.
Кўзим нурин, белимнинг
қувватин қўймай олиб, воҳиким,
Ситам тиғин чекибдур эмди
айлаб қасди жон рўза.

Рўза бошқа ҳамма диний хурофотлар каби совет кишиларига тамомила ёт урф бўлиб, ўтмиш қолдиғидир.

Жамиятимизга ёт бундай хурофотларга қарши курашиш барча партия ва жамоат ташкилотларининг муҳим вазифасидир. Бунинг учун атеистик пропаганданинг ҳамма формаларидан кенг фойдаланиш, унинг ғоявий жиҳатдан юқори савияда бўлиши учун курашиш фан ва техника ютуқларини, совет олимлари космосни забт этишда қандай ажойиб муваффақиятларга эришганини, атом ва химия инсонга хизмат қилаётгани натижасида ҳаётимизда юз бераётган хилма-хил воқеаларни қизиқарли, жонли ва аниқ фактлар билан сўзлаб бериш, динга қарши илмий атеизм темаларида виставкалар уюштириш, илмий-оммавий фильмлар кўрсатиш зарур. Диний урф-одатларнинг моҳияти, уларнинг келиб чиқиш тарихи ҳамда зарарли оқибатлари тўғрисида тушунтириш ишлари олиб боришга айниқса катта эътибор бериш керак. Диннинг халқ учун зарарли эканлигини, диний урф-одатлар айрим шахсларнинг бойиши ва баъзи кишиларни алдашга хизмат қилишини тушунган илгариги домулла ва диндорлар диндан юз ўгириб, ҳалол ва фойдали меҳнат билан шуғулланмоқдалар. Жойларда ана шу кишиларнинг суҳбатларини уюштириш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ўтмишнинг ярамас урф-одатларига совет кишиларининг меҳнат байрамлари ва энг яхши миллий традицион одатларини қарши қўйиш, социалистик турмушнинг шундай нормаларини меҳнаткашларнинг кундалик ҳаётига сингдириш лозим. Совет кишиларининг ўз революцион ва чинакам халқ байрамлари, ўз миллий традициялари мавжуд. Баҳор байрами — 1 Май, пахта байрами, «Ўроқ ва болға» байрами, шоҳли кунлар хотирасига бағишланган катта байрамларимиз бунга мисол бўлаолади.

Коммунистик қурилиш вазифалари совет кишиларидан юксак онгли ва маданиятли бўлишни, материалистик дунёқарашни эгаллашни, коммунистик эътиқодларга содиқликни талаб қилади. Бизнинг ҳаётимизда дин ва унинг урф-одатларига мутлақо ўрин бўлмаслиги керак.

Т. САЛОҲИТДИНОВ.

ПОСЁЛКА ҚЎРКИ

Чирчиқ шаҳридаги Оқиқовоқ посёлкаси кундан кун обод ва кўркам бўлиб боряпти. Кун сайин қад кўтараётган кўп қаватли бинолар посёлка ҳуснига ҳусн қўшиб турипти. Яқинда қуриб фойдаланишга топширилган тўрт қаватли бино посёлка ҳуснига ҳол бўлиб тушди. Бинонинг биринчи қаватида дорихона ва ошхона ишчи ва хизматчиларга намунали хизмат қилмоқда.

Э. РЎЗИМАТОВ.

БИР ЭКРАНДА— ИККИ ТИЛДА

Зангори экранда рус тилида жуда қизиқарли эшиттириш кетяпти. Диққат билан томоша қиляпсиз. Аммо сиз шу эшиттириш ўзбек тилида бўлганда нур устига нур бўларди, деган хаёлга келасиз. Бу жуда осон. Переключателни бир томондан иккинчи томонга боссангиз истагингиз бажо келтирилади. Ҳозиргина рус тилида олиб борилаётган эшиттириш, футбол репортажи, кинофильмни ўзбек тилида тинглашингиз мумкин. Аксинча ўзбек тилида берилаётган эшиттиришларни айни вақтда рус тилида ҳам тинглаш мумкин. Экрандаги тасвир эса ўзгармайди, аввалги ҳолатида қолаверади.

Хўш, буни қандай амалга ошириш мумкин? Бунинг учун телевизорингизга «ПД-1» (приставка) мослама ўрнатишингиз лозим бўлади. Бу мослама телевизорнинг орқа томонига, кардон устига ўрнатилади.

— Ўтган йилнинг сўнгги ойларида, дейди республика радио эшиттириш ва телевидение давлат комитети раисининг ўринбосари ўртоқ Ғ. Жаҳонгиров,—айрим эшиттиришларни икки тилда, ўзбек ва рус тилларида эфирда синаб кўрдик. Синов муваффақиятли ўтди. Сўнгги футбол матчларини бир вақтда икки тилда эшиттирдик. Янги йилдан бошлаб эса айрим эшиттиришларни программага ҳам киритдик. 5 январда «Тинч кунларнинг қаҳрамонлари», 6 январда эса «Майсалар нималарни шивирлайди» телефильмлари икки тилда кўрсатилди. Ҳозирча телефильмлар, киножурналларни икки тилда эшиттириб борамиз. Бу соҳада дастлабки қадамлар қўйиляпти.

Бу усулни биз Иттифоқда биринчи бўлиб амалга оширганлигимиз билан фахрланамиз.

Тошкент телевидение студияси бора-бора йирик адабий эшиттиришлар, кинофильмларни ҳам икки тилда кўрсатади.

Бу йилги футбол матчларининг ҳаммаси икки тилда эшиттирилади.

Чет мамлакатлардан олинган янги фильмлар ҳали рус тилига дубляж қилинмасдан туриб телетомошабинларга кўрсатиш мумкин. Бу фильм бевосита студиянинг ўзида икки тилга таржима қилинади ва экранга чиқарилади.

Тошкент экспериментал заводи Иттифоқда биринчи бўлиб ишлаб чиқарабошлаган «ПД-1» приставкаси «Рубин», «Рубин—102», «Рекорд», «Рекорд-12», «Знамя», «Неман», «Воронеж», «Темп», «Волна» ва бошқа бир қатор телевизорларда синаб кўрилди. 1965 йилдан бошлаб ишлаб чиқариладиган телевизорларда эса «ПД-1» мосламаси бўлади.

Эндиги вазифа телевизион ателье ва мастерскойлардаги усталарга қолди. Улар яқин кунларда аҳолидан бу мосламани ўрнатиб бериш ҳақидаги заказларини қабул қила бошлайдилар.

Ш. УМУРЗОҚОВ.

Бу ерга ҳар куни юзлаб ўқувчилар Қорбобо билан учрашгани, арча атрофида ўйнаб кулгани, совға олгани келишади. Шаҳарда ҳеч бир арча сув спорти саройидагидек чиройли бўлмаса керак. Бу ерда арча ҳавзанинг қоқ ўртасига сув устига ўрнатилган. Ҳавзада сув «парилари» ҳам сузиб юришади. Улар ташқарида қиш эканлигини хаёлларига ҳам келтирмайдилар. Суратда: ўқувчилар Қорбобо табригини тингламоқдалар.

В. САЛОВ фотоси.

«ГЎЗАЛЛИК ОЛАМИДА»

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг асосий кутубхонасида «Гўзаллик оламида» деган темада китоб виставкаси ташкил этилди. Виставкада музика, театр, ҳайкалтаросшлик, рассомлик тўғрисида 100 га яқин китоб қўйилган.

Китоблар орасида «Маркс-ленинча эстетика ҳақида очеркслар», «Маркс ва Энгельс музика ҳақида», «Рус музикаси тарихи» каби марксизм-ленинизм классикларининг эстетика тўғрисидаги асарлари ҳам бор.

Т. СОЛИЕВ.

ЗАМОНАМИЗ ГЕРКУЛЕСИ

Агостино Колли (қаҳрамонимизнинг номи шундай) 34 ёшда. У Италияда яшайди. Уни кўрган кишининг ажабланмай иложи йўқ. Ҳамма гап шундаки, Агостинонинг иккита юраги, ҳар иккала қўлида эса олтитадан бармоғи бор. Лекин энг муҳими шуки, у эҳтимол, дунёда энг кучли одам бўлса керак. Эҳтимол дейишимизнинг маъноси шундаки, у билан ҳали ҳеч ким куч синашиб кўрмаган. Профессионал цирк курашчилари бир неча марта куч синашиш учун уни мусобақага чақириб кўрганларида ҳам кўнмаган.

Агостинонинг қанчалик кучли эканлигини таърифлаш қийин. У оғирлиги бир ярим тонна келадиган юк машинасини бемалол кўтара олади, икки киши зўрға ерда судраб кетадиган ғўлаларни бемалол у жойдан бу жойга кўчира олади. Оддий киши бир варақ қоғозни қанча осон йиртса у 500—700 саҳифали китобни шунчалик осон йиртади. Агостинонинг бўйи баланд эмас: унинг бўйи атиги 167 сантиметр, ҳолос. Кўкрак қафасининг ҳажми оддий одамниидай. Ташқи кўринишидан ҳам у ғоят кучли эмасдай кўринади.

Агостино болалигидаёқ ўзининг катта жисмоний кучи билан ўртоқларини ҳайратда қолдирган. У турникка атиги бир бармоғи билан осилиб бир неча марта юқорига кўтарила олар, баъзида эса ўртоқлари олдида мақтаниб турникка бир қўли билан осилар ва бунда ҳар иккала оёғига биттадан ўртоғини осилтириб хотиржам юқорига кўтарилар эди. Бу вақтда у атиги 8 ёшда эди. 10 ёшга кирганида эса у ҳақиқий паҳлавон бўлди.

Бола тўрт ёшга кирганида врачлар унинг иккита юраги борлигини аниқладилар. Кўзга кўринган таажжубларини врачлар уни текшириб кўриб бола жуда бақувват ўсаётганлигини таъкидладилар. Агостино ҳали бирор марта ҳам касал бўлган эмас, 1952 йилдан бошлаб эса у ҳатто шамоллаш нималигини билмайди.

Коллини нураш майдонида ёки боксерлар рингида пул топиш мақсадида ўз кучини ишга солишга бир неча марта таклиф қилдилар. Лекин Агостино бундай таклифларга рад жавобини берди. У пул деб бировни ўлдириш ёки майиб қилишни хоҳламаслигини айтди.

Коллининг энг катта орзуси, деб ёзади итальян журналисти Нино Ло Белло, бошқа одамлардек бўлишдир. У инженерлик касбини эгаллади, ўз хотини Ванда ҳамда кичик ўғли Вайтер ҳақида катта ғамхўрлик қилади. Кичик Колли эса онасига ўхшайди: унинг битта юраги ҳар иккала қўлида бештадан бармоғи бўлиб, жисмоний жиҳатдан ортиқча кучга эга эмас.

В. ПОПОВ.

БОЗОР ЎРНИГА ҚАБУЛ ПУНКТЛАРИ

Кейинги пайтларда пойтахтимиз меҳнаткашларига маданий-маиший хизмат кўрсатиш тобора яхшиланмоқда. Айниқса маиший хизматнинг муҳим соҳаси бўлган савдо-сотиқни ривожлантиришга жиддий эътибор берилаётир. Шаҳар Совети савдо тармоқларини янада кенгайтириш, уларда кенг истеъмол моллари сотишни яхши ташкил қилиш, харидорларнинг ўсиб бораётган талаб ва эҳтиёжларини ўрганиш соҳасида қатор амалий тадбирлар белгилади. Савдо-сотиқда прогрессив усул кенг қўлланилмоқда.

Аҳоли яшайдиган жойларда янги-янги озиқ-овқат ва саноат моллари, комиссион магазинлари ишга туширилмоқда. Турли устахоналар ташкил этилмоқда. Бу эса қишиларга рўзғор учун зарур бўлган товарларни ўзлари яшаб турган жойларда сотиб олишлари учун имкон бераётир.

Сўнгги йилларда жуда кўп жамоат ташкилоти турли корхона ва муассасалар, ишчи ва хизматчилар ҳамда меҳнаткашлар томонидан пойтахтимиздаги Чуқурсой бозорини тугатиш ҳақида таклифлар туша бошлаган эди. Шаҳар ижроия комитети кўпгина жамоат ташкилоти вакиллари иштирокида ана шу масалани атрофлича ўрганиб, муҳокама қилди. Чуқурсой бозорини тугатиш ҳақида қарор қабул қилинди. Бу эса меҳнаткашларга кўп жиҳатдан қулайлик туғдиради. Жумладан, шаҳардаги барча меҳнаткашларнинг ортиқча буюмларини сотишлари, керакли буюмларни харид қилишларини кўзда тутиб, совет колхоз бозорларида киийлган, лекин йиртилмаган кийим-кечакларни, тутилган буюмларни сотиш учун қабул қиладиган комиссион ва махсуслаштирилган қабул пунктлари ташкил этилди.

Яқиндан бошлаб харидорларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олиб 5 миллион сўмлик миқдоридаги турли саноат молларининг нархи тенг ярмига арзонлаштирилди. Бу моллар ичида болалар кўйлаклари ва пальтолари, костюм ва катталар кийим-кечаги, хотин-қизларнинг жундан тўқилган ва ип газламали тайёр кўйлаклари бор. Бу молларни сотиш учун махсус магазинлар ташкил қилинмоқда. Куни кеча пойтахтимиздаги Карл Маркс кўчасида жойлашган «Болалар дунёси» магазини арзонлаштирилган молларни сотиш магазинига айлантирилди. Бундай магазинлар Октябрь, Госпиталь, Олой, Туркман, Паркент бозорлари территориясида ва бошқа жойларда очиляпти.

Чуқурсой бозорининг тугатилиши меҳнаткашларга қулайлик яратиш билан бирга бозорни текин даромад манбаига айлантириб олган айрим шахсларга — текинхўр ва савдогарларга қарши катта зарбадир.

М. ЗАРИПОВ.

ЖАҲОН ЯНГИЛИКЛАРИ

ХЎЖАЙИНЛАР ОЛДИГА БОРИШДАН ОЛДИН

Чомбе Леопольдвильдан чиқиб, мамлакатнинг шарқи-шимолий районларк бўйлаб саёҳатга жўнади Конгонинг сўқма бош министри Стэнливильни, Киндуни ва мамлакатнинг бошқа жойларини бориб кўрмоқчи. Кейинги вақтларда бу жойларда Конго ватанпарварларининг отрядлари билан Леопольдвиль режимининг қўшинлари ўртасида қонли жанглар бўлди. Бельгия парашютчилари ва оқ танли сотқинлар Чомбе қўшинларига жуда катта ёрдам беришди.

Чомбе Брюсселга боришдан олдин шу саёҳатни бошлади. Конго бош министри ўз каллакесарларининг жанг майдонида қилган ифлос ишлари тўғрисида ўзининг бельгиялик хўжайинларига рапорт беришга жазм қилганга ўхшайди. Чомбе рапорт бериш билан бирга қўзғолончиларга қарши курашни янада кучайтирмоқ учун ёрдам ҳам сўрамоқчи, шунингдек Чомбе—Мобуту солдатларининг ҳар қанча зўр беришига қарамай, қўзғолончилар актив курашни давом эттирмоқдалар. Матбуотда босилган хабарларга караганда, Чомбе Бельгия ташқи ишлар министри Спаак билан Брюсселда музокаралар олиб боради, кўпроқ қурол юборишни, шунингдек техника ва пул билан ёрдам беришни шу музокаралар вақтида Бельгиядан илтимос қилмоқчи.

ФАН ВА ТЕХНИКА ЮКСАЛМОҚДА

ВАРШАВА. Польша Бирлашган ишчи партияси IV съездининг қарорларида Польша саноатининг ишлаб чиқариш структурасини тубдан ўзгартириш ва унинг энг муҳим тармоқларини техника жиҳатидан реконструкция қилиш зарурлиги кўрсатиб ўтилган.

1965—1966 йилларда машинасозлик ва электротехника саноати машиналар ва аппаратларнинг бир неча юзта янги типларини ишлаб чиқаришни ўзлаштиради. Булар орасида катта қувватга эга энергетика машиналари, мураккаб саноат ускуналари ва станоклари, транспорт воситалари, электро техника буюмлари ва олис алоқа воситалари бор. Ишлаб чиқариш жараёнларида ҳосил бўладиган маълумотларни ишлаб чиқмоқ учун ҳисоблаш машиналаридан фойдаланишда, электроникани ривожлантиришга ва чала ўтказгичлардан тағин ҳам кенг фойдаланишга, шунингдек квант электроникаси соҳасида қилинадиган ишларга, жумладан лазердан фойдаланиш аппаратларига ва лазерлардан техника фойдаланишга доир тадқиқотларга катта эътибор берилади.

Химия олдида, айниқса халқ хўжалигини тезроқ химиялаштиришни ва синтетик материаллардан кенг фойдаланишни таъминлайдиган химия тармоқлари олдида катта вазифалар турибди.

ИСТИҚБОЛ ЧАТОҚ

БОННН. (ТАСС). 1965 йил бошланганига ҳали бир ҳафта бўлгани йўқ, аммо Ғарбий Германиянинг хўжалик министри Шмюккер бир неча марта баёнот бериб, халқ хўжалигининг энг хилма-хил тармоқларида нархларнинг ошиб кетиши янги йилда Германия Федератив Республикаси экономикасининг характерли белгиларидан бири бўлиб қолади, — деб эътироз қилишга мажбур бўлди.

Германия Федератив Республикасида кўмир, нефть ва газ нархлари 1 январдан бошлаб оширилди.

МОСКВА ЖУРНАЛИСТЛАРИ ҲУЗУРИГА

Узбекистон Журналистлар союзи қўйи матбуот органлари ходимларининг малакасини ошириш учун бир қанча тадбирларни амалга оширмоқда.

Куни кеча Тошкент областидаги қўйи матбуот ходимларидан бир группаси тажриба ўрганиш учун Ватанимиз пойтахти Москвага жўнаб кетди.

Улар Москвада бир ҳафта бўладилар ва завод, фабрикаларда чиқадиган кўптиражли газеталарда ишнинг ташкил этилиши билан танишадилар. Шунингдек марказий газеталарнинг редакцияларида бўлиб, уларнинг иш тажрибаларини ўрганадилар.

Москвага жўнаб кетган журналистлар орасида «Фрунзевец» газетасининг редактори Н. А. Морозова, «Ташсельмашевец» газетасининг редактори Г. Т. Демидов, «Химик» газетасининг редактори В. С. Попов, «За металл» газетасининг редактори И. В. Михин, «Тўқимачилр овози» газетасининг редактори К. Рўзиева, «Обувщик» газетасининг масъул секретари С. А. Беликова, «Машиностроитель» газетасининг масъул секретари И. А. Русанова ва бошқа ўртоқлар бор.

Тошкент шаҳар партия комитетининг инструктори Н. В. Франдетти ва Узбекистон журналистлар союзи Тошкент бўлимининг масъул секретари В. М. Копитова ўртоқлар ҳам журналистлар билан жўнаб кетди.

Суратда: Москвага жўнаб кетаётган журналистлар Тошкент аэропортида.

А. АБАЛЯН фотоси.

КОМЕНДАНТЛИК СОАТИ ЖОРИЙ ҚИЛИНДИ

ПАРИЖ, 6 январь. (ТАСС). Франс Пресс агентлиги хабар беради: Покистоннинг энг йирик шаҳри Карачи атроф-теваракида комендантлик соати жорий қилинди. Яқинда бу ерда Покистон президенти Аюбхон тарафдорлари билан оппозициячи партиялар аъзолари ўртасида бўлган тўқнашиш натижасида ана шу чора кўрилди. Бу тўқнашишлар натижасида 27 киши ўлдирилди ва неча юзлаб киши ярадор қилинди. Полиция 75 кишини қамоққа олди.

АНГЛИЯ СИНГАПУРГА ҚЎШИН ЮБОРМОҚДА

ЛОНДОН. (ТАСС). 5 январда Англия парашютчиларининг иккинчи қисми Англиядан Сингапурга олиб келинди. Парашютчилар полки 2- батальонининг асосий қисми яқинда Англиядан ҳаво йўли орқали Сингапурга юборила бошлайди.

СССР ЗАКАЗЛАРИГА МУВОФИҚ

ПРАГА. Словакиядаги Комарно шаҳрининг кемасозлари 2 минг тонна юк кўтара оладиган «Балтийск» кемасини қуриб битказиб, янги йил арафасида совет вакилларига топширдилар. Бу дарё кемаси Комарнодаги кемасозлик заводида кейинги 14 йил ичида Совет Иттифоқининг заказа билан қурилган икки юзинчи дарё кемаси бўлди.

КОНГОДА ҚОНЛИ ТЕРРОР

БОННН. (ТАСС.) Бошига оқ рўмол бойлаган ва қўлларини кўтарган конголик йигит гиштин барандан чиқиб келади. Уни жандармлар кутиб олишади. Автомат тириллаб отилади-ю, у йигит йиқилиб жон беради.

«Шпигель» журналининг мухбири Бехер Чомбе армиясининг солдатлари ва Чомбе ёллаган оқ сотқинларнинг Стэнливильдаги ёвуз жиноятларидан бирини шу тарзда тасвирлайди.

Асир қилиб олинган қўзғолончиларни, деб ёзади мухбир, Чомбе армиясининг Стэнливильдаги штабига олиб келадилар. Асирларни тергов қилиб, йиртқичларча қийнайдилар. «Сўнгра асирларни Конго дарёси бўйидаги сайхон жойга олиб борадилар. Дарё бўйида қўзғолончиларни шундай турғизиб қўйдиларки, улар отилганидан кейин дарёга агдарилиб тушаберадилар. Қаршилик кўрсатмоқчи бўлганларнинг гарданига найза санчиб ўлдирадилар.

Мухбир Стэнливиль «ўлик шаҳар» бўлиб қолди, деб ёзади. Шаҳарнинг одамсиз бўлиб қолган кўчаларида ўлик ҳиди анқиб ётибди. Уйлар ва магазинлар талон-торож қилинган. «Ёлланган европаликлар ҳаддан ошиқ бебошлик қилмоқдалар». Улар Чомбенинг асосий таянчиги бўлиб қолганлар. Агар ёлланган европаликлар бўлмаганда эди, деб ёзади мухбир, Конго аллақачон қўзғолончиларники бўлиб қолар эди.

Телетайп ЛЕНТАСИДАН

⊙ Финляндия парламентининг раиси Кауко Клеемол бошчилигида Финляндия парламентининг делегацияси Польша Халқ Республикаси сейми президиумининг таклифига биноан, Варшавага келди.

⊙ Лондонда эълон қилинган маълумотларга қараганда, 1964 йилнинг дастлабки тўққиз ойи ичида Англия йўлларидаги фалокатли ҳодисалар сабабли 5.451 киши ўлган ва 69.782 киши қаттиқ жароҳатланган.

⊙ Япония мактабларининг ўқувчилари Янги йил кунларида хурсанд бўлиш ўрнига хафа бўлишди. Японияда хусусий ўқув юртларининг кўпчилиги янги ўқув йилидан бошлаб ўқиш учун олинадиган ҳақни анча оширмоқчи. Ўқишга кириш учун тўланадиган ҳақ ҳозирги вақтда 40 минг иенага яқин, энди бу ҳақ 5—10 минг иена оширилади. Ўқиш учун ҳар ойда тўланадиган ҳақ ҳам 15 процент чамаси кўпайтирилади. Шу маълумотларни эълон қилган «Иомиури» газетаси, кейинги олти йил ичида хусусий ўқув юртларида ўқиш учун олинадиган ҳақ икки ярим баравар оширилганлигини кўрсатиб ўтмоқда.

⊙ Ғарбий Германиядаги олимлар, врачлар, адвокатлар, журналистлардан 130 киши Германия Федератив Республикасининг канцлери Эрхардга мактуб юбориб, Германия Коммунистик партиясининг тақиқланганлигини дарҳол бекор қилишни талаб этдилар. Мактубда ўқтириб айтиладики, Германия Коммунистик партиясини яна очиқ ишлайдиган қилишни талаб этаётган Германия Федератив Республикасининг гражданлари тобора кўпаймоқда; Германия Коммунистик партиясининг очиқ ишлашига яна имкон берилишини Ғарбий Германияда ҳам, шунингдек бошқа мамлакатларда ҳам Германиядаги аҳволни нормаллаштириш ва кескинликни юмшатиш ишига қўшилган ҳисса, деб қабул қилинган бўлур эди.

(ТАСС).

Реклама ВА Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

8 ЯНВАРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 12.00 — Каникул кунларида. Ой кўрсатади.

Рус тилида: 12.35 — **Қиш найранглари,** 12.55 — **Қувноқ ҳикоялар** (теленинсценировка), 13.25 — **Оқариб кўринар ёлғиз елкан** ((бадиий фильм), 18.00 — **Қадимги пойтахтимиз** (катта ёшдаги мактаб ўқувчилари учун).

Ўзбек тилида: 18.35 — **Телевизион янгиликлар,** 18.50 — **Сўз—илғор чорвадорларга,** 19.10 — **Ойбек поэзияси.**

19.40 — **Эшиттиришлар программаси.**

Рус тилида: 19.45 — **Телевизион янгиликлар,** 20.00 — **Р. М. Глиэр туғилган куннинг 90 йиллиги,** 21.30 — **Реклама ва эълонлар,** 21.35 — **Хабар фотоси** (бадиий фильм).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 19.00 — **Адабий топишмоқ** (катта ёшдаги мактаб ўқувчилари учун), 19.35 — **Тошкент янгиликлари,** 19.45 — **Шаҳарликлар учун,** 20.05 — **Шарқ куйлари.**

Рус тилида: 20.35 — **Очиқ хат** (илмий-оммабоп фильм), 20.55 — **Тошкент янгиликлари,** 21.05 — **Қиш, сиҳат саломатлик,** 21.25 — **Маринанинг тақдири** (бадиий фильм).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 8/I да кундуз **Этик кийган Мушук,** кечқурун **Риголетто,** 9/I да кундуз **Семурғ,** кечқурун **Пан воевода.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 8/I да кундуз **Алишер Навоий,** кечқурун **Биринчи муҳаббат,** 9/I да кундуз **Қутлуғ қон,** кечқурун **Сарвқомат дилбарим.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 8/I да кундуз **Нодира,** кечқурун **Ишқинг билан,** 9/I да кундуз **Тошболта ошиқ.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — РСФСРда хизмат кўрсатган артист **Юрий Дуров** ва **Литва цирки «Вильнюс»** артистлари иштирокида **«Цирқда арча».** Томошалар кундуз соат 12,3 ва кеч 8 да бошланади.

КИНО

САНЪАТ САРОЙИДА — 8, 9, 10/I эрталаб соат 10 ва кундуз 12 да Уйқудаги гўзал, 8, 9/I кеч соат 6 яримда, 10/I кундуз 4 ярим ва кеч 7 да **Жиннилар суди.** Билетлар сотилмоқда. Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади.

Денгиз мушуги — «ИСКРА», «СПУТНИК», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун), «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (кундуз соат 12, 4, кеч 6 ва 8 да).

Генерал ва дасторгул — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Янко — «ВАТАН» (кечқурун 1-10, 3-15 минут ва кеч 10 да).

Ёш гвардия (1 ва 2-серия, эрталаб соат 10 да), **Даҳшат** (кундуз 5, кеч 6-45 минут ва 8 яримда) — «ВАТАН».

Всевед бобонинг уч олтин сочи (эрталаб соат 10 да), **Шпессарт саройидаги шарпалар** (кундуз 2 ва кеч 9-45 минутда) — «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ».

Сирли орол — «СПУТНИК» (эрталаб соат 10 ва 11 да).

ТОШКЕНТ ЛАК-БУЁҚ ЗАВОДИГА

4, 5-разрядли **тоқарлар,** 4, 5, 6-разрядли **слесарлар,** 4-разрядли **фрезерчилар,** 5-разрядли **ночегарлар,** 4-разрядли **электрослесарлар,** 4, 5, 6, 7-разрядли **электромонтёрлар,** 5-разрядли **тунукасозлар,** 5-разрядли **автослесарлар,** III класс **шоферлар, дурадгорлар, юкчилар, бухгалтерлар**

КЕРАК

Тошкент шаҳар. Огородная кўчаси, 9-уйда кадрлар бўлимига учрашилсин (4, 5-троллейбус, 21-автобуснинг «Огородная» остановкаси).

Шелковичная кўчаси, 22-уй, 1-квартирада турувчи **Эдуард Васильевич Скребневнинг** Герман Лопатин кўчаси, 24-уй, 1-квартирада турувчи Флора Қодировна Зокировадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Фрунзе район халқ судида кўрилади.

Чилонзор массив, 129-уй, 48-квартирада турувчи **Августина Григорьевна Притокованинг** Қоратош кўчаси, Киев проезд, 3-а уйда турувчи Виктор Васильевич Притковдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Чилонзор район халқ судида кўрилади.

Абдулла Қодирий кўчаси, 1-тупик, 5-уйда турувчи **Анвар Султоновнинг** шу уйда турувчи Умри Султоновадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Чилонзор район халқ судида кўрилади.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентского обкома, горкома КП Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

Бизнинг АДРЕС: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор —29004, Редактор ўринбосари—25885, Масъул секретарь — 34808. Идеология, адабиёт ва санъат бўлимлари —31936. Партия турмуши бўлими —26232. Саноат, транспорт ва қурилиш бўлими — 33786. Қишлоқ хўжалиги, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари бўлимлари —29040. Совет ишлари, маиший ва шаҳар хўжалиги бўлими —28761. Ахборот ва спорт бўлими —33786. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими —34048. Эълонлар бўлими — 28142. Коммутатор —30249 дан 30258 гача.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Р. 03613. Индекс 64695. Нашр. №-В 1671.